

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Бухоро мухандислик - технология институти

«Енгил саноат технологиялари» кафедраси

**«ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ЛОЙИХАЛАШ АСОСЛАРИ»**

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**5321600- "Енгил саноат технологиялари ва жихозлари" йуналишларида
таҳсил олаётган бакалаврлар учун
(1,2,3,4-модуллар)**

Бухоро -2019

Тузувчи: «ECT» кафедраси доц. Пулатова С.У
«ECT» кафедраси асс. Бебутова Н.Н

Такризчилар: “Нилуфар-95” МЧЖ директори Н.И.Хикматов
«ECT» кафедраси доценти Н.Т. Гафурова

Аннотация

Мазкур маъruzалар матнида база асосидан фойдаланиб янги кийим моделларини конструкциялаш усуллари ҳақида, ҳамда талабаларнинг мустақил ишини бажариш учун кийим ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ушбу услугий кўрсатма кафедра мажлисида кўриб чиқилди.

Баённома "_____ 2019 й.

Ушбу услугий кўрсатма институт услугий кенгашида кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат этилди.

Баённома "_____ 2019 й.

КИРИШ

Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, улар сифатининг яхшиланиши, барча хизмат турларининг тез ривожланиши аҳоли яшаш даражасининг янги сифатли, анча юқори босқичга қўтаришнинг ўзгармас шарти сифатида қаралади.

Аҳоли учун товарларни ишлаб чиқариш илмий-техника тараққиётидан фойдаланишга асосланиши лозим бўлиб, улар нафақат товар сифатларини янги даражага қўтариш, балки улар ассортиментини кенгайтиришга ҳам имкон беради.

Енгил саноат олдида аҳолининг саноат товарларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, бозорни керакли маҳсулот билан тўлдириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ассортиментини кенгайтириш, улар истеъмол маданиятини ошириш вазифалари туради.

Ҳозирги вақтда мавсум аро енгиллаштирилган иситувчи астарли кийимлар, модали ва амалий маҳсулот ва тўпламлар ассортиментининг чиқарилиши ва кенгайтирилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Қўйилган вазифаларни бажаришда саноатда ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотларни бадиий лойиҳалашни тўғри ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Бадиий лойиҳалаштириш маҳсулотларнинг келгуси ҳаётини аниқлайди.

Бадиий лойиҳалаштириш (дизайн) жараёнининг тўғри ташкил этилиш натижаси бу унинг технология, тежамкорлик ва эстетикаси нуқтаи назаридан оптимал ҳал этилган маҳсулотидир. Маҳсулотнинг инсон ва жамият учун бадиий лойиҳалаштириши тўғри боғланган, чунки жамият маълум характер ва даражадаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ижтимоий буюртма беради. Ижтимоий буюртма жамият маънавий ривожланиш даражасига боғлиқ, шунинг учун мамлакатимиз аҳолисининг эстетик тарбияси шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланишининг ажралмас қисмидир.

Эстетик тарбия инсон атрофидаги бутун буюмлар дунёси гўзаллик ва уйғунликка тўлиб, хулқ ва кийим маданият меъёр бўлгандагина энг юқори кучга эга бўлади. «Маданият» (яхшилаш) тушунчаси муайян тарихий даврлар, ижтимоий-иктисодий формациялар, аниқ жамият, халқлар ва миллатларнинг ривожланиши моддий ва маънавий даражасини, шунингдек специфик фаолият ёки ҳаёт соҳаларини тавсифлаш учун қўлланади (мехнат маданияти, бадиий маданият, костюм маданияти).

Замонавий нуқтаи назардан маданият алоҳида шахслар ва бутун инсониятнинг ҳамма соҳаларда ва жиҳатларда бу ютуқлар шахс маънавий ривожланиши ва ижтимоий тараққиётга ёрдам бериш даражасида барча ютуқлар натижаси сифатида тушунилади.

Ишлаб чиқариш маданияти ва костюмдан фойдаланиш маданияти ўзаро боғлиқ тушунчалар яхши лойиҳалаштирилган маҳсулоту албатта сотиб олинади деб ўйлашга асос бермайди. Харидор ёки истеъмолчи, ўзининг қатор талабларини қўядики, уларни буюм яратишда ҳамма вақт ҳисобга олиш имкони бўлмайди. Рассом ва конструктор аҳоли талабларини доимий ўрганиши, улар қандай

ўзгараётганини кўришлари керак, албатта. Бироқ истеъмол маданиятини ривожлантириш, яъни инсонда юқори ва эстетик сифатли, замонавий маданият даражасига жавоб берувчи маҳсулотларни харид этиш эҳтиёжини тарбиялаш кераклигини эсда тутиш лозим. Истеъмолчи ўз навбатида маҳсулот яратиш жараёнида қатнашади, чунки унинг талабларига мувофиқ ижтимоий буюртма шаклланади, яъни турли аҳоли гуруҳларига қанақа ва қандай характердаги маҳсулотлар зарурлиги аниқланади.

Истеъмолчиларнинг маданий эҳтиёжлари турли гурух маҳсулотларига кўйилувчи талабларда муҳим тарзда акс этади, бу ўз навбатида истеъмолчиларни юзага келган маҳаллий ва миллий одатлар, уларнинг буюмларга услуб, мода характерли талабларини ҳисобга олган ҳолда муносабатига мувофиқ гуруҳлаш заруратини шартлайди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқиш бу босқичида турли турдаги реклама, масалан, плакатлар, телевидение, радио орқали маълумот, маҳсус реклама босма нашрлар, модел кўрсатишлари ва ҳоказо ишга солиниши керак. Реклама маданий қадриятлар ўрнатмасига таяниши, сотувга тайёрланувчи маҳсулотлар эстетик мазмуни ва функционал хусусиятларини тушунтириши керак.

Замонавий костюм маданий ривожланишининг ҳамма прогрессив гуманистик тенденцияларини ҳисобга олиши шарт. Бунинг учун:

- ўтмиш меросини чуқур ўрганиш ва энг яхши одатлар билан алоқани сақлабқолиши;
- замонавий енгил саноатдаги барча илфор, прогрессив ғояларни фаол ва аналитик ўзлаштирилиши;
- саноат тараққиётига кўмаклашувчи янги ғояларнинг тез амалга оширилиши;
- костюм шакли ривожланишини олдиндан кўра олишга илмий ёндашув;
- костюмда меъморчилик, санъат, илмий-техника тараққиёти соҳасидаги янги ютуқлари билан боғлиқликнинг акс эттирилиши;
- индивидуал киши тимсоли костюмини шакллантириш;
- костюмнинг ансамбл ечими;
- костюм шаклининг вазифасига мувофиқлигини кўзда тутиш лозим.

1-модуль. Кийим ҳақида умумий маълумотлар. МАЪРУЗА № 1

Мавзу: Кийимнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.

РЕЖА:

1. Кийимнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш босқичлари.
2. Кийимнинг вазифалари.
3. Ўзбек миллий кийими ҳақида маълумотлар.

Замонавий кийим мураккаб тизимдир. Унга хос конструкциянинг шаклланиш қонуниятларини тушунмоқ учун узоқ ўтмишга бир назар ташлайлик. Кийим ҳозирги мукаммал кўринишига мураккаб босқичлар орқали етиб келган. У одамзод ривожланишининг илк босқичларида иқлим таъсиридан ҳимоя топмоқ воситаси сифатида пайдо бўлган. Унинг кейинги ривожи ишлаб чиқариш кучларига мувофиқ давом этган.

Кийим конструкциясининг равнақида бир неча ўзига хос босқичларни таъкидлаш мумкин [3].

Биринчи босқич – кийим тимсолларининг ривожланиши (ҳайвон териси, дараҳтлар пўстлоғи ҳамда барги, ўсимликлар толалари ва ҳ.к.). Бу давр юзлаб минг йилликларни ўз ичига олади. Бу босқичда эрамиздан олдин, V минг йилликларга қадар кийим одамни иқлимий таъсиirlардан муҳофаза қилган. Кейинчалик одам тўқиши, ип йигириши, кўлда мато тўқиши санъатини эгаллаган. Кийим равнақининг иккинчи босқичи танани маҳсус тўқилган мато бўлаги ёрдамида ўраш билан характерланади.

Аввал кийим сифатида жун, ипли ва зигир толали тўртбурчак ёки овалсимон шаклдаги газлама бўлаги танага кўркам тахламалар ҳосил қилиб ўралган. Юнонлик ва римликларнинг бурмадор кийими мисол сифатида келтирилса бўлади. Бу кийимлар нафақат ҳимоявий, балки эстетик вазифани ҳам бажара бошлаган.

Одам танасининг шаклига мос кийим бичишига илк уринишлар шарқда кузатилган, лекин бу ерда у ўз ривожини топмаган. Ўрта Осиё кийим кечакларининг узлуксиз ўзгариши ва ривожланиши бутун Марказий Осиё ҳаёти билан боғлиқ.

Ўрта асрда кийимлар маҳаллий иқлимга ва халқларнинг урф-одатларига мосланган, яъни кийимларда умумийлик, бир хиллик касб этган.

Ўзбек халқининг кийим-кечаклари жуда хилма-хил, ранг-баранг ва жозибалидир. Ҳамма даврларда либосга қараб инсоннинг қайси ижтимоий тоифага мансублигини билиш мумкин бўлган.

Кийимларнинг бичими асосан минтақалар бўйича шаклланган. Бичими бир хилда бўлсада мато ва рангларини танлашда регионлар бирбиридан фарқ қилган.

XIX аср 80 - йилларигача устки кийимларда асосан, тўғри чизиқли бичиқ ва «рум» бичиги сақланиб келинган, ёқаси яхтак ёқа, этагининг ёни йиртмоқ қилинган. 80-90-йиллардан бошлаб рус ва татар кийимлари таъсирида юқори табақа кийимларининг силуэтида ўзгаришлар пайдо бўлиб, бичиги мураккаблашди [4].

Европада костюм билан қомат расолигини ифодалашга қулайроқ шароит яратилган.

Кийим тикувчи ҳунармандлар Европада XII асрда, Россия шаҳарларида эса тахминан XIV асрда пайдо бўлган. «Портной» русча «порты», яъни кийим сўзидан келиб чиққан.

IX асрдан бошлаб кийимни бир - бирига бириктирилган тўғри бурчаклардан тайёрлашган. Кейинчалик уни қомат шаклига яқинлаштира бошлашди. Тўртбурчакли бўлаклар тана шаклида қирқилиб, ёnlари тасмалар билан уланган. Бундай кийимнинг кўриниши кўркам бўлмагани боис кийим рицарлар яроғ-аслаҳаларининг бўлиниши каби бичила бошланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, енглар узоқ вақт давомида кийимнинг мустақил бўлаги эди.

XIII асрда кийимга енг қўндирила бошланди, XIV асрда кийимнинг олди очилиб, ёқалар ўрнатилди, XVII асрда эса кийимга чўнтаклар ўрнатилди.

XIV - XV асрларда кўйлак белидан кўндаланг тепа ва этак қисмларга бўлинди, кийимнинг янги кўриниши - костюм пайдо бўлди. У XVI асргача имтиёзли табақаларнинг кийими сифатида сақланиб келди. Ушбу костюм қаторида халққа мансуб бўлган, муайян вазифани бажарадиган халқ кийими ҳам ривожланиб келди.

Аёллар тор корсетлардан қулайроқ кийимларга ўтишди, лекин корсет яна модага кириб XX асргача хукм сурди.

Биринчи бичиши тизимини 1818 йилда француз Мишел ихтиро қилди.

XIX асрнинг охирида яратилган тикув машиналари меҳнат унумдорлигини ошириб, кийим деталларининг шаклини мураккаблаштиришга ёрдам берди.

XX аср бошида аёллар ижтимоий ҳаётда фаол қатнашгани боис кийимнинг вазифаси ҳам ўзгарди. Белни сиқиб, нафас олишни қийинлаштириб, ҳаракатни чегаралайдиган корсет ўрнига шаклан ва конструктив жиҳатдан мукаммаллашган ич кийимлар яратилди. Юбкалар калталашди. 1928 йилда Габриэл Шанел аёллар модасига эркаклар типидаги костюм киритди. 30-йилларда бутун дунё бўйича кийимнинг оммавий тарзда ишлаб чиқарилиши бошланди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида кийимнинг табиий шакли ўзгариб «ҳарбийлашгандек» бўлди.

50-60 – йиллардан бошлаб янги хусусиятли материаллар ассортименти кийим конструкциясига ва шаклига катта ўзгаришлар киритди.

70-80 - йилларда кийим силуэти ва шакли мураккаблашиб, унинг конструктив тузилишига кўпроқ аҳамият берилди.

Бизгача етиб келган ўзбек миллий кийимлар XIX аср охири — XX аср бошларига тўғри келади. Эркакларнинг миллий либослари елка, бел ва бошкийимларидан иборат. Ички либосга енгиз муллавача кўйлак, яхтак ва иштон кирган. Устки либосга иссиқ (пахта солиб қавилган) енгил чопонлар, қўй ёки тужунидан тикилган чакмон, кебанак, камзуллар ва пўстинлар киради.

Устки кийимлар ичида энг қўп тарқалиб ҳозиргача етиб келган либос - чопондир. Чопон тикилишига қараб авра чопон, астарли чопон, пахталик чопон турларига бўлинган. Чопон тикилган матосига қараб қалами чопон, банорас чопон, бекасам чопон, кимхоб чопон, сурра чопон ва ҳоказо; кимга мўлжалланганлигига қараб эса бола чопон, қуёв чопон, қуда чопон каби номлар билан аталган. Тўн-

чопонларни боғлаш учун белбоғ, белкарс, чорсилар, чарм ва духоба камарлар ишлатилган. Бош кийимлар дўппи, қалпоқ, каллапўш, салла, телпак, қўй мўйнасидан тикилган чўгирмаларни ўз ичига олган (1.1 - расм).


Аёлларнинг миллий либослари ички, устки ва бош кийимдан иборат бўлган. Ички кийим сифатида оқ пахта газламали ички кўйлакни кийишган. Устки кийимларга - мурсақ, калтача, камзул, енгиз нимчалар кирган.

Ўзбек аёлларининг бош кийимлари ҳам турлича бўлиб, рўмол, пешонабанд, култа, кийгич, салла, дўппилар кенг қўлланилган. Уларнинг ҳар бири ўзига яраша матодан, ранг-баранг ип-ипаклардан тикилган (1.2 - расм).



1.1 – расм. Эркаклар ва аёллар миллий кийимлари

Хозирги замон кийимларида миллий анъаналар билан европа услуби боғланиб кетган. Чунки миллий кийимларимиз бизнинг ҳаёт тарзимизга ва иқлинимизга мосланган, шу боис, эркак ва аёлларнинг хонаки кийимларида ҳам анъанавий либослар ўз давомийлигини сақлаб қолмоқда.



1.1 – схема. Замонавий кийим функциялари.



1.2 – расм. Ўзбек миллий ва замонавий кийимлари

Шундай қилиб, аввал инсонни иқлими таъсирлардан муҳофаза қилиш учун яратилган кийимнинг шакли ва хиллари кейинчалик тарихий ўзгаришлар, ижтимоий ва иқтисодий шароитлар, миллий хусусиятлар ва жамиятдаги эстетик тассавур эволюцияси таъсири остида ўзгариб, у амалий санъат обьектига айланди [5,6].

КИЙИМ ФУНКЦИЯСИ

К и й и м - одам танасини ташқи таъсирлардан муҳофаза қилувчи ва эстетик функцияларни бажарувчи буюм ва буюмлар мажмуи. **«Костюм»** - чуқур ва кенг маънога эга. Инсоннинг муайян руҳий ҳолатини ва тарихий босқичини акс эттирадиган, ўзаро узвий боғланган, бевосита танага кийиладиган ва унга мос равишда танланган кийим қисмларининг тизими **костюм**дейилади.

Замонавий костюм кўп функциялидир [5,7]. Кийим функциялари икки асосий гурухларга ажратилади: **утилитар** ва **ахборот - эстетик** (1.1 - схема).

Утилитар функция ҳимоявий ва физиологик - гигиеник функцияларга бўлинади. Ахборот - эстетик функциялар ахборот ва эстетик функцияларга ажратилади. Ҳар бир функция кейинги погонада яна кенгроқ аниқланади. Мисол учун: ҳимоявий функция ташқи муҳит ва об-ҳаво таъсирларидан ҳимояни, ишлаб чиқаришнинг таъсирларидан ҳимояни ва механик таъсирлардан ҳимояни ўз ичига қамраб олади. Физиологик ва гигиеник функция кийимни тинчлик ва ҳаракат ҳолатида қулайлигини билдиради ҳамда кийим остидаги микроиқлим шароитининг қулайлигини аниқлайди. Ахборот функциялар киши (касби, диди, маданияти) ва унинг кийими тўғрисида ахборот беради (кийим вазифаси, ўринлилиги, замонавийлиги, янгиликлиги ва ҳ.к.).

Эстетик функциялар кийимнинг киши образига мослиги, кийим композициясининг мукаммаллиги ва тайёрлашга оид сифатининг даражаси ҳамда харидоргирлиги тўғрисида далолат беради. Кийим функциясига мослигини, унинг амалий вазифасига мувофиқлигини ва конструктив жиҳатдан мукаммаллигини

бидиради.

Агар кийимда уни ташкил этувчи қисмлари функционал ва эстетик жиҳатдан ўзаро мантиқий яхлитликка эга бўлмаса, унинг кўриниши чинакам гўзал бўла олмайди.

Спорт костюмига оид функциялар бошқа кийимлар функциясидан кескин фарқланади. Унга утилитар, ҳимоявий белгилаш, тенглаштириш, анъанавий ва эстетик функциялар хосдир. Бу функциялардан бирининг устиворлиги спорт турига боғлиқ. Масалан, волейболда ҳимоявий ва белгилаш бўлса, фигурист қизлар костюмидаги эстетик функция устунроқ туради. Спорт костюмининг шакли унинг етакчи функциясига боғлиқ.

Назорат саволлари

1. Қадимги кийимлар турлари қанақа бўлган ?
2. Кийимнинг ривожланиши босқичларини изоҳлаб беринг?
3. Кийимни ишлаб чиқаришнинг қадимги усувлари қандай бўлган?
4. Кийимни бичиш усули ким томонидан ва қачон?

Таянч иборалар:

Кийим, бичим, туникасимон, мато, хинд сариси, костюм, мода, мода тарихи, модел, масштабли бичиш, тизимли бичиш.

МАЪРУЗА № 2 МАВЗУ: "КИЙИМ ФУНКЦИЯСИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ".

РЕЖА:

- 1.Кийимнинг классификацияси.
2. Кийимнинг сифат кўрсаткичлари.
- 3.Маҳсулот сифати.

Кийимнинг классификацияси.

Замонавий кийимни классификациялашда ҳимоя вазифасини бажарадиган кийимларнинг мўлжалланиши ётади. Шу белгилашга қараб кийимни учта синфга бўлиш мумкин.

1– майший кийим; 2- спорт кийими; 3 - ишлаб чиқариш кийимлари. Майший кийим - одам организмини иқлимий шарт-шароитлардан ҳимоя қиладиган кийим.

Спорт кийими - спортчилар танасини шикастланишдан сақлаши ва шунинг билан бирга юксак натижаларга эришишга имкон бериши шарт.

Ишлаб-чиқаришда кийиладиган кийим одам танасини заарли ишлаб чиқариш таъсирларидан ҳимоя қиласди.

Кийимнинг ҳар бир синфи ишлаб чиқариш мутахасисликлари ва савдоамалиёти ҳамда эксплуатация шароитларидан келиб чиқсан ҳолда мўлжалланишига қараб синфчалар, турлар, гурухлар ва гурухчаларга бўлинади.

Майший кийим синфи - энг кўп сонли бўлиб, қуйидаги синфчаларга бўлинади:1.1 - ички кийим;1.2 - костюм-кўйлак;1.3 - устки кийим;1.4 - корсет буюмлари;1.5 - бош кийимлар; 1.6 – перчатка ва кўлқоплар. Майший кийимларнинг ҳар бирининг синфчаси ўз навбатида кийимнинг турларига бўлинади, масалан, костюм-кўйлак синфчаси (1.2) - 1.2.1 - пиджаклар, 1.2.2-жакетлар, 1.2.3-курткалар; 1.2.4-

нимчалар; 1.2.5- шимлар; 1.2.8-кўйлаклар; 1.2.9- кўйлак-костюмлар; 1.2.10- юбкалар ва ҳоказоларга бўлинади.

Кийимни жинси ёшига қараб эркаклар, аёллар ва болалар гурухларига бўлинади. Болалар гурухи ўз навбатида чақалоқлар кийими, ясли ёшидаги болалар кийими, мактабгача ёшдаги болалар кийими, бошлангич синф ёшидаги болалар, юқори синф мактаб ёшидаги болалар кийим ва ўсмирлар кийимига бўлинади. Йил фасллари ва об-ҳавога қараб кийим гурухлари қуидаги гурухчаларга бўлинади: Б/К- баҳорги кузги; Ё -ёзги; Қ- қишиги; Б/М- барча мавсумли. Барча мавсумли кийимлар йилнинг ҳамма фаслларида кийиладиган кийимлардир. Кийими классификацияси майший синф бўлимида кейинчалик маълум конкрет шароитда ишлатиладиган кийим турларига бўлиш мумкин. Масалан, эркаклар костюми кундалик ва маросимларда кийиладиган костюмга, аёллар кўйлаги –кундалик, оқшом кечаларда кийиладиган, уйда кийиладиган, ишда кийиладиган ва ҳоказоларга бўлиш мумкин.

Спорт кийими синфи спорт турлари бўйича синфчаларга ва ёшжинси белгилари бўйича гурухларга бўлинади.


Ишлаб чиқариш кийимлари синфи вазифасига қараб учта синфчаларга бўлинади: 3.1 –махсус кийим; 3.2- маъмурий кийим; 3.3- технологик (санитар-гигиеник) кийим.

Махсус кийим одамни заарли ва ҳафли таъсирлардан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа таъсирларидан ҳимоя қилибгина қолмасдан, меҳнат муҳофазасини таъминлаб одамнинг ишлаш самарадорлигини сақлашга қаратилгандир. Унга жуда кўп микдордаги индивидуал ҳимоялаш воситалари киради. Махсус кийими давлат стандартлари талабларига мос ҳолатда 13 та гурухга ва 39 та гурухчаларга бўлинади. Махсус кийимлар классификациясининг асосида ишлаб чиқаришнинг заарли таъсирларидан ҳимоялаш вазифаси ётади. Махсус кийим механик таъсирлардан, ишлаб чиқаришда умумий ифлосланишдан, юқори ва паст ҳароратдан, радиактив воситалардан, рентген нурланишдан, электр майдондан, токсик воситалардан, сувдан, кислотадан, ишқордан, органик эритувчилардан, ёғ ва мойлардан, заарли биологик факторлардан ҳимоялаш бўйича гурухларга бўлинади. Гурухлар ўз навбатида ҳимоя хусусиятларига қараб гурухчаларга бўлинади. Махсус кийим майший кийим каби эксплуатация шароитларига қараб турларга бўлинади. Уларга: 3.1.1- курткалар; 3.1.2.- шимлар; 3.1.3- блузкалар; 3.1.4- комбинезонлар; 3.1.5- яримкомбинзонлар; 3.1.6 - плашлар ва ҳоказолар киради. Ишлаб чиқариш шароитларига қараб махсус кийим танланади. Маъмурий кийим ўз ичига ҳарбийлар, денгиз ва дарё флоти хизматчилари, темир йўл хизматчилари, авиация ходимлари махсус ўқув муасссалари формалари ва ҳоказолар кийимлар ўз ичига олиди. Маъмурий кийими асосан шинель, китель, плаш, кўйлак, пальто, пиджак ва шиш, жакет ва юбка, бош кийим, ич кийим каби турлардан иборатдир.

Технологик кийимлар синфчаси одам танасини иш фаолияти давомида таъсир этувчи ифлосликлар, механик таъсирлардан ҳимоя қилувчи кийимлардан иборатдир, медицина халатлари, тикувчилар иш кийими, фаррошлар иш кийими ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Ёш ва жинсга қараб, технологик кийимлар

аёллар ва эркаклар кийими гурухларига, мавсумга қараб эса ёзги, қишиги ва барча мавсумларда кийиладиган кийимлар гурухасига бўлинади.

схема 1.2. Замонавий кийим классификацияси



МАЪРУЗА № 3 МАВЗУ: «КИЙИМНИНГ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ»

РЕЖА:

1. Кийим сифат кўрсаткичлар
2. Кийим сифати классификацияси

Хозирги кунда маҳсулот сифати – бу бунё бозорида ракобатбардошлик кўрсатгичидир. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш муаммоси техник,

иқтисодий, ижтимоий, сиёсий характерга эга бўлиб, уни ечиш учун ишлаб чиқаришнинг ва истеъмолнингбарча тизимларини яъни лойиҳалаш-ишлаб чиқариш-истеъмолчиларга этказиб бериш-эксплуатацияни қамраб олиш керак. Турли буюмлар сифатини аниқлаш қадимда ҳам ишлатилиб келинган. Қадимги Рим файласуфи Платон (эр.авв. 427-347) буюм сифати-унинг мукаммалиги даражасидир деб ҳисоблаган. Аристотель (эр.авв. 384-322) сифат – бир буюмнинг бошқа буюмдан ажратадиган маълум хоссалар суммасидеб таъриф берган. Фалсафа нуқтаи назаридан қараганда маҳсулот сифати унинг ҳар томонлама хусусиятларинг мужассамлик даражасини ифода этади.

Маҳсулот сифати - мўлжаланишига қараб истеъмолчиларнинг аниқ талабларини қондира оловчи ва унинг хоссалар мажмуасидир.

Сифат қўрсаткичлари - бу аниқ шарт-шароитларда маҳсулот хоссаларини қўрсатувчи ва аниқ талабларини қондириш даражасини ифодаловчи қўрсаткичлардир.

Кийим сифат қўрсаткичлар структурасига жуда кўп факторлар таъсир қиласди. Унда кийимнинг спецефик хоссалари инобатга олинган.

Кийим сифатининг системали қўрсаткичи "Кс" биринчи даражада икки кичик системалардан ташкил топган: К1 - истеъмолчилик ва К2 - техник-иқтисодий қўрсаткичлар.

Иккинчи поғонада кийимнинг истеъмолчилик сифат қўрсаткичи 5- та синф билан ифодаланган:

- ижтимоий
- функционал
- эстетик
- эргономик
- эксплуатацион

Ижтимоий қўрсаткичлари (К11) жамиятни шу кийимга бўлган талабини аниклади.

Функционал қўрсаткичлар (К 12) кийимни ўзининг асосий мўлжаланишига мослик даражасини, ҳамда истеъмолчиларнинг ташқи қўринишига ва психофизиологик хусусиятларига мослигини қўрсатувчи қўрсаткичларидир.

Эстетик қўрсаткичлар (К32) кийимни стиль ва мода йўналишига жамиятда хукмронлик қилаётган эстетик идеалга мослик даражасини ифодаловчи қўрсаткичлардир.

Эргономик қўрсаткичлар (К42) - бу кийимни одамнинг функционал имкониятларига ва психо-физиологик хусусиятларига мослик даражасини, статика ва динамикада антропометрик мослигини, гигиениклигини, ҳаёт фаолиятида кийимдан фойдаланиш қулайлигини аниқловчи қўрсаткичлардир.

Эксплуатацион қўрсаткичлар (К52) - бу кийимдан фойдаланиш даврида у ўзининг ташқи қўринишини, шаклини йўқотмаслигини ифодаловчи қўрсаткичлар.

Техник - иқтисодий қўрсаткичлар (К2) - бу ишлаб чиқаришда ва истеъмол этишда сарф қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, кийим конструкциясининг ва технологиясининг техник кўркамлигини даражасини аниқловчи қўрсаткичлардир.

Иккинчи поғонада техник - иқтисодий қўрсаткичлар уч синфга бўлинадилар:

1-стандартлаш ва унификациялаш кўрсаткичлари K21;

2- конструкциянинг технологикилиги K22;

3- иқтисодий кўрсаткичлар, K32;

Стандартлаш - бу аниқ бир соҳада эксплуататсион шартларини ва хавфсизлик талабларини эътиборга олган ҳолда, оптимал тежамкорликга эришиш ва меҳнат фаолиятини яхши тартибга солиш мақсадида, аниқ қоидаларни ўрнатиш ва қўллашдир.

Унификациялаш - бу кийим конструкциясининг турли хил деталлар шаклларини ва туганларини, кийим сифатига, ташқи кўринишига ва истеъмолчилар манфаатига зарар кўрсатмайдиган ҳолда, оқилона бир кўринишига келтиришдир.

Конструкциянинг технологик кўрсаткичлар - бу маҳсулотнинг конструктив ва технологик тараққийлигини, механизатсия ва автоматизация даражасини, меҳнат ва материал ҳажмини аниқловчи кўрсаткичлардир.

Иқтисодий кўрсаткичлари - бу маҳсулотни лойиҳалашга, технологик тайёрлашга ва саноатда ишлаб чиқаришга, шунингдек истеъмолчиларнинг эксплуатацияга сарф қилинган харажатларидан иборатдир.

Учинчи поғонада сифат кўрсаткичлари яна 20 та кўрсаткичга бўлинади, бу кўрсаткичлар кийим хоссалари учун жавоб берадилар ва истеъмол этишда сарф қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, кийим конструкциясининг ва технологиясининг техник кўркамлигини даражасини аниқловчи кўрсаткичлардир.


Назорат саволлари

1. Маҳсулот сифати ҳақида тушунча беринг?
2. Сифат кўрсаткичларини изоҳлаб беринг?
3. Сифат кўрсаткичларининг иерархик схемасида нечта кўрсаткич иштирок етади?
4. Истеъмолчилик сифат кўрсаткичларига қандай кўрсаткичлар киради?

Таянч иборалар:

Сифат, кийим сифати, сифат кўрсаткичлари, тизим кўрсаткич, ижтимоий сифаткўрсаткичи, функционал кўрсаткич, эстетик кўрсаткич, эргономик кўрсаткич..

1.3. Кийим сифати классификацияси



2-модуль. Кийим ўлчамлари ва типологияси МАЪРУЗА 4

Мавзу. Одам гавдаси ташқи кўринишини белгиловчи асосий морфологик белгилари


Режа:

- 1.Гавда тузилиш хакида кискача маълумот.
- 2.Умумий морфологик белгилар.
- 3.Тана пропорцияси.
- 4.Андом турлари.

Одам танаси танани ҳаракатга келтирадиган аппарат суюклар скелетива мушаклар системасидан ташкил топган. Бунда скелет пассив, мушаклар актив рол ўйнайди.

Анатомия - киши организми; айрим органлар ва системаларнинг тузилиши ҳамда шакллари ҳақидаги фан. Анатомия морфологиянинг бир қисми ҳисобланади[9].

Морфология - киши организмининг шахсий ўзгарувчанлиги, гавда ўлчамлари ва пропортсияларининг ёшга қараб ўзгариши ҳамда организм айрим қисмларининг ўзгарувчанлиги қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, инсон танасининг тузилиши ҳақидаги таълимот, яъни антропология фанининг бир қисми ҳисобланади.



Расм 1.1. Одам танасининг скелети


Пластик анатомия - киши гавдасининг ташқи шаклси қад-қоматни ўрганади. Гавда одатда тана, бўйин, бош қўллар ва оёқлар деган бўлиб ўрганилади.

Одам скелети калла суяги 1 (1-расм, а,б), тана суюклари 2, қўл 3 ва оёқ 4 суюкларидан ташкил топган. Одамнинг умуртқа поғонаси (1-расм,в) S-симон (эгри) бўлади: умуртқа поғонаси бўйин (I) ва бел (III) қисмларида эгрилик чизиги- олдинга, қўкрак (I) ва бел (IV) қисмларида эса орқага йўналган. Умуртқа поғонасининг эгрилик даражаси одамнинг қадди-қоматини белгилайди.

Қўл скелети деганда, елка камари (кураклар ва ўмровлар) ҳамда қўлларнинг эркин суюклари тушунилади. Қўлларнинг эркин суюклари жумласига елка, тирсак ва билак ҳамда кафт суюклари киради. Елка суяги тик вазиятда жойлашган ёки бир оз орқага ёки олдинга оғган бўлиши мумкин. Елка суяги билан тирсак ҳамда билак суюклари бирлашган жойда бурчак ҳосил бўлади, у енгнинг шаклига таъсир етади.


Оёқлар скелети тос камари ва оёқларнинг эркин суюклари жумласига ёнбош (сон) суяги, катта ва кичик болдир суюклари ҳамда товон суюклари киради.

Оёқларнинг шаклси ёнбош ёки билак болдир ёкининг бир-бирига нисбатан қандай жойлашганлигига қараб, нормал (2-расм,а), X-симон (2-расм,б) О-симон, яъни хомутсимон (2-расм,в) ва циркулсимон (2-расм,г) бўлиши мумкин.




Расм 2. Оёқлар тузилиши

Тананинг бўйин асосидан то елка бўғимларигача бўлган қисми елка деб аталади. Елка нормал (3-расм,а), кенг (3-расм,б) ва тор (3-расм,в) шунингдек, киялик даражасига караб(4-расм), нормал (4-расм,а) баланд (4-расм,б) ҳамда паст (4-расм ,в) бўлиши мумкин.



Расм 3. Тананинг бўйин қисми баландлиги



Расм 4. Тананингелкабаландлигитурлари

Қориннинг ҳам асосий учта шакли мавжуд: текис, ичга тортилган ва думалоқ-дуппайиб чиқиб турган қорин қориннинг шакли жинсга, ёшга ва ориқ-семизликка болиқ бўлади.

Орқа одатдагича ёки умуртқа бўлимлари салгина бўртиб чиққан (тўлқинсимон), букчайган ва тўғри бўлиши мумкин. Буйиннинг формаси хилма-хил: эркакларда мускуллар жуда ривожланганлиги сабабли бўйиннинг кесими мураккаб; болаларда эса бир мунча думалоқ бўлади. Бўйиннинг узун-қискалиги ёшга ҳамда елка қиялигига боғлиқ.

Гавдани (жуссани) белгилаб берувчи асосий морфологик белгилар, умумий белгиларни, мутаносиблигни, гавда тузилиши ва қад-қоматини ўз ичига олади.

Умумий морфологик белгилар деганда, тананинг узунлиги (одамнинг бўйин, яъни бўй), кўкрак айланаси (периметри) ҳамда вазни (масса) каби энг йирик белгилар тушунилади.

Гавда узунлиги. Гавдининг ўртача узунлиги (ўртача бўй) чақалоқларда 50,5-51,5 смгacha бўлади. Боладар жуда тез ўсадилар Бир ёшгача болалар 25 смгacha ўсиши мумкин. Кейин ўсиш пасайиб, қизларда 10-12 ёш, ўғил болаларда 13-14

ёшда активлашади. Қиз болаларнинг бўйи 16-17 ёшда, ўғил болаларнинг бўйи 18-20 ёшда ўз "маррага"сига етади; мамлакатимизда эркакларнинг ўртача бўйи 167-168 смни, бутун жаҳонда эса 165 смни ташкил қиласи. Одамнинг бўйи 35-50 ёшгача ўзгармайди, шу ёшдан ўтгач, ҳар беш йилда 0,5 см қисқара боради, 55 ёшгача шу тарзда давом этади, кейинчалик ҳар беш йилда 0,7 см дан қисқара бошлайди.


Аёлларда ўртача эркакларнига қараганда 11-12 смга калта. Ўртача 154 смни ташкил қиласи. Миллатларга қараб бўй узунликлари ўзгариб туради. Шимол, Жанубий-Шарқий Осиё (вьетнамликлар, японлар, айрим ҳинд ҳалқлари ва индохитой) ҳалқларининг бўйлари кичик бўлса, Шимолий Европа ва Скандинавия(шотландлар, шведлар, норвегияликлар), Балкан ярим ороли (албанлар, греклар, словаклар) Шимолий Америкада яшовчи ҳалқларнинг бўйлари узун бўлади. Энг баланд бўйли ҳалқларга Жанубий-Шарқий Африкада яшовчи қабилаларкиради, уларнинг ўртача бўйи 182 см, Евросиё минтақасида энг паст бўйлилар эса якуллар, уларнинг ўртача бўйи 162,5 смдир.

Кўкрак периметри (айланаси). Кўкракнинг антропометрик айланаси антропологияда жуда яхши ўрганилган; эркакларда бу размер орқада- кўрак суяклари остида, олдинда эса кўкрак безлари учи атрофидаги пастки сегмент бўйича ўлчаб аниқланади. Ёш улғайган сари кўкрак айланасининг ўлчами орта боради, қаригандан кейингина бир оз камаяди.

Бир яшар гўдакнинг кўкрак айланаси ўғил болаларда 49 см, қиз болаларда эса 48 га teng. Кўкрак айланаси йиллар давомида ҳар хил ўзгариб ўсиб боради: йилига қиз болаларда 11-12 ёшда, ўғил болаларда 13-14 ёшда 5-6 смга ўсади. Қизларда 16-17 ёшда, йигитлана эса 25-26 ёшда кўкрак айланаси ўлчами "марра"сига етади ва ўзгармайди. Эркаклар 40 ёшларда жадал семира бошлайди, шу сабабдан кўкрак айланаси ўлчами ортади. Факат 60 ёшлардагина кўкрак айланаси ўлчами камаяди, бунга организмнинг қариши билан болик физиологик ўзгаришлар сабаб бўлади.

Одам танаси массаси. Эркаклар гавдасининг ўртача вазни 64 кг, аёлларда эса 56 кг. Ўртача эркаклар вазни 71,5 кг бўлса, аёлларда 64 кг атрофидаги бўлади. Катта ёшдаги кишилар вазнининг 40 кг дан кам ёки 99 кг дан зиёд бўлиши патологик касаллик ҳисобланади. Ўсиш даврида тананинг вазни ортаверади; 25-40 ёшларда вазн барқарорлашади. 40 дан 55 ёшгача тана вазни ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 1,0-1,5 кг ортади, 60 ёшдан ўтгач, бирмунча камаяди. Янги туғилган чақалоқ вазни ўртача 3,5 кг. Ўсиш даврида болалар вазни ҳар хил ўзгариб боради. Бир ёшдан етти ёшгача секин, 12-15 ёшда қизларда, 14-17 ёшда ўғилларда йилига 4-5 кг ортиб боради. 17 ёшда вазн ортиши секинлашиб қизларда 20 ёшда, ўғилларда 25 ёшда тўхтайди.


Тана пропорцияси. Кийимни конструкциялаш учун пропорция (мутаносиблик)нинг катта аҳамияти бор. Пропорция деганда, тананинг турли қисмлари ўлчамининг бўйга нисбати тушунилади; бу нисбат фоизлар билан ифодаланади. В.В. Бунак катта ёшдаги эркаклар ва аёллар ўртасида кўп учрайдиган тана пропорцияларини учта асосий типга бўлади: долихоморф тип (5-расм, а)- бу типга мансуб кишиларнинг оёклари узун, тана қисқа ва ихчам (камбар) бўлади; брахиморф тип (5-расм, в) - бу типга мансуб кишиларнинг оёклари нисбатан қисқа, танаси узун ва сербар бўлади; мезоморф тип (5-расм, б)- оралиқ тип ҳисобланади.



**Расм 5. Эркаклар гавдасининг пропорция типлари.
А-долихоморф; б-мезоморф; в-брахиморф.**

Тана пропорциялари ёшга ва жинсга қараб ўзгаради. Ёшга боғлиқ ўзгаришлар, биринчидан, тана барча қисмларининг ортишидан, иккинчидан, пропорциялар ўзгаришидан иборат бўлади. Масалан, катта ёшдаги кишининг калласи чақалоқнинг калласидан икки баравар катта, бўйин-уч баравар, қўллартўрт баравар, оёклар - беш баравар ва бўйи етти баравар узун бўлади. Бунда бошнинг айлана ўлчами атиги бир ярим баравар, кўкрак айланаси ўлчами эса уч баравар ортиқ бўлади [10].

Жусса (тана тузилиши) муайян белгилар мажмуига болик бўлиб, кишининг қадди-қоматини ифодалайди. В.В. Бунак эркакларнинг гавда тузилиши, яъни жуссасини етти типга бўлади; шулардан учтаси асосий ҳисобланади: кўкракдор (кўкси баланд) тип; мускуллари ривожланган тип ва қориндор тип



Расм 6. Тана пропорцияси турлари

Кўкракдор тип (6-расм, а) -унчалик семизмас, мускуллари озгина ривожланган, кўкрак қафаси яssi, қорни тортилган, букчайган.


Мускуллари ривожланган тип (6 - расм, б га қаранг)- теридаги ёғ қатлами ўртача, мускуллари ўртача ёки жуда ривожланган, кўкрак қафаси цилиндрик шаклда, орқаси текис.

Қориндор тип (6-расм, в га қаранг) - семиз, мускуллари ўртача ёки ривожланган, кўкрак қафаси конуссимон, қорни дум-думалоқ бўлиб чиқиб туради, букчайган ёки оддийгина. Ўғил болалар жуссасининг В.Г.Штефко тузган схемасини энг мақбул схема ҳисобланади. Бу схема ўспириналар жуссасининг тўртта асосий типи берилган (7-расм).

Астеноид тип - семизмас, мускуллари кам ривожланган, кўкрак қафаси яссироқ ва тор, букчайганроқ оёклари нисбатан узун (долихоморф типнинг ўзгинаси; (7-расм а га қаранг).

Торакалъ тип - мускуллари ўртача ёки кам ривожланган, семизлиги ўртача, кўкрак қафаси узунчоқ ва тор, қорни текис, орқаси тўлқинсимон (7-расм, б га қаранг)


M y c k u l l i t i p - мускуллари ўртача ривожланган, семизлиги ҳам ўртача, кўкрак қафаси цилиндрик шаклда, қорни текис, орқаси тўлқинсимон (7-расм, в га қаранг)



Расм 7. Тана тузилиши турлари

D e g e s t i v t i p - жуда семиз, мускуллари ўртача ёки жуда кам ривожланган, кўкрак қафаси конуссимон, қорни дум-думалоқ бўлиб чиқиб туради, орқаси текис (7-расм, г га қаранг)

Андол (гавданинг ҳолати) деганда, гавданинг киши тинч турган пайтдаги ёки тури юриб кетаётган пайтдаги тургун тик ҳолати тушунилади. Андол типларининг ҳар хил таърифи мавжуд. Тикувчилик саноатида асосий уч хил андолтипи қабул қилинган (8-расм) нормал (а), букчайган (б) ва кеккайган андол (в).



Расм 8. Андол турлари

Поляк тадқиқотчиси Н. Волянский болалар ва ўспиринларнинг андомини батафсил таърифлаб берган. У умуртқа погонасининг эгрилигини уч комплексга ажратади; ҳар бир комплекс уч вариантдан иборат.

K i f o t i k k o m p l e k s К- умуртқа погонасининг кўкрак қисми бел қисмига нисбатан кўпроқ эгилган. Кўкрак қисмининг эгилганлик даражасига қараб андомнинг учта кифотик варианти фарқ қилинади.

M y b o z a n a t l i k o m p l e k s Р - умуртқа погонасининг кўкрак ва бел қисмлари эгрилик даражаси бир хил. Бу комплекснинг ҳам уч варианти бор.

L o r d o t i k k o m p l e k s Л - умуртқа погонасининг бел қисми кўкрак қисмига нисбатан кўпроқ эгилган.

Назорат саволлари

1. Анатомия фани нимани ўрганади?
2. Морфология фанига тушунча?
3. Пластик анатомия тушунчасига изоҳ беринг?

Таянч иборалар:

Анатомия, морфология, антропология, пластиканатомия, скелет, гавда, тана, танапропорциялари, долихоморф, мезаморф, брахиморф, жусса, куўкракдорттип,

қориндортип, астеноидтип, торакалтип, мускуллитип, дигестифтип, андон, кифотиккомплекс, мувозанатликомплекс, лордотиккомплекс.

МАЪРУЗА 5

Мавзу: Одам гавдаси ўлчамлари ўрганиш усуллари.

Режа:

1. Антропологик тадқиқотлар услублари.
2. Асосий антропометрик нуқталар.
3. Одам танасининг ўлчамли таснифи.

Одам гавдасини ва унинг қисмларини ўлчашдан иборат бўлган асосий антропологик тадқиқот услубларидан бири антропометрия (юононча антропос – одам, метрео – ўлчайман) дейилади. Антропометрия аҳоли таркибидаги муайян гуруҳ одамларнинг (худудий, ёш бўйича, ижтимоий, касбий) морфологик белгилари турларини тадқиқ қиласди. Ўтган аср охирларидан бошлаб, одам гавдаси ўлчамларини ўрганиш натижаларидан амалий мақсадларда, масалан, суд экспертизаларида, мактаб мебелларини лойиҳалашда фойдаланила бошлаган. Ҳозирги вактда антропометрик тадқиқотлардан олинган маълумотлар клиник ва спорт тиббиётида, аҳоли турли гуруҳларининг гавда пропорцияларини, тузилиш қонуниятларини, жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, қоннинг биокимёвий таркибини ўрганишда фойдаланилади.

Шунингдек, бу маълумотлар болалар организмининг ўсиш давридаги ривожланиши, акселерация даражаси ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. Одам гавдаси тузилиши ўлчамлари ва шакллари ҳақидаги маълумотлар саноатнинг турли тармоларида ам муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай антропометрик тадқиқотнинг зарурий талаби – услубиятнинг бир хиллиги ва ўлчов олиш техникасига аниқ риоя қилишдир. Бу қоидалардан четта чиқиши оммавий антропометрик изланишлар натижасида йиғилган маълумотлар фойдаланишга яросиз бўлиб қолишига олиб келади.

Ўлчам белгилари тана сиртини бўйича ўлчанади ва ёйсимон ўлчамлар дейилади. Уларга кўнгдаланг ўлчашлар- айланалар (яъни тана айланаси, бўйин айланаси, бош айланаси ва қўл-оёқларнинг айрим жойлари), кенгликлар (тананинг айрим жойларининг кенгликларини аниқловчи) ва ёйлар, бўйлама ўлчамларни ўлчайдиган узунликлар, масофалар ва баландликлар киради.

Сиртдаги иккита нуқта орасини ўлчайдиган ўлчамлар **чизиқли ўлчамлар** дейилади. Чизиқли ўлчамлар проекцион ва тўғри ўлчамларга бўлинади. Проекцион ўлчамлар белгиси баландликларни аниқлаб беради. Проекцион диаметрлар бўйин ва танани кўнгдаланг ўлчаш билан ифодаланади. Чуқурликлар асосан умуртқа поғонанинг ҳолатини ва орқанинг контурларини аниқлаш учун ишлатилади.

Ўлчаш асблоблари. Антропометрик асблоблар анчагина кўп. Улардан ҳозирги кунда оммавий антропометрик тадқиқотлар ўтказишда фойданиладиганларнигина қўриб чиқамиз.

Антропометрик нуқталарнинг ердан баландлигини ўлчаш учун Мартин системасидаги металл портатив антропометр ишлатилади.

Р. Мартин (1840-1925 йиллар)-швейцариялик антрополог, антропометрик ўлчов асбобларининг бир қатор турларини яратган.

Металл портатив антропометр (4.1-расм) узунлиги 2 м бўлган бир томони яssi қилинган кўндаланг кесими доирасимон бўлган стержендан иборат. Олиб юришни осонлаштириш учун антропометр ҳар бири 50 см дан бўлган 4 та штангага ажратилади.



Расм-4.1. М е т а л л п о р т а т и в а н т р о п о м е т р

Тўғри диаметрлар катта йўғонлик циркули ёрдамида ўлчанади (4.2-расм), проекцион диаметрлар эса антропометрнинг юқори штангаси билан ўлчанади. Бунинг учун антропометр юқори қисмининг енг учida қўзгалмас муфта жойлашган. Диаметрларни ўлчаш учун антропометрнинг ҳар бир муфтасига горизонтал чизғичлар ўрнатилади ва антропометрнинг юқори штангаси штангенциркул вазифасини ўтайди.




4.2-расм. Катта йўғонлик циркули.

Гавданинг ёйли, айлана, кўндаланг ва узунлик ўлчовлари сантиметрли лента ёрдамида олинади. Қад-қоматни характерловчи белгилар кўпинча иккита ўзаро перпендикуляр чизғичлар билан ўлчанади.

2. Асосий антропометрик нуқталар.

Кўплаб ишлаб чиқариладиган кийимларни конструкциялаш ва асосий базаларни ишлаб чиқариш учун майший хизмат системасидаги конструкторга стандарт жуссалар, яъни мамлакатнинг жами аҳолисига хос жуссалар размери-ўлчамининг мукаммал характеристикиси керак булади. Бу маълумотларни антропометрик текшириш, яъни кишининг гавдасини ва унинг қисмларини ўлчаш йўли билан ҳосил қилиш мумкин. Бу иш антропометрия деб аталади.

Антропометрик текширишлар вақтида гавданинг муайян нуқталари-антропометрик нуқталар оралиғи ёки юмшоқ газламада аниқ билиниб-күринибтурадиган чегаралар, теридаги үзига хос нуқталар бўйича ўлчанади. Ўлчов белгиларини ҳосил қилиш учун қуидаги антропометрик нуқталардан фойдаланилади (4.3-расм):



Расм -4.3 Одам танасида антропометрик нуқталарнинг жойланиши.

- а** - калла суюқдаги нуқта - тепа дўнги;
 - б** - буйидаги нуқта - еттинчи бўйин умуртқасининг ўткир ўсимтаси учи;
 - в** - бўйин асосидаги нуқта - бўйиннинг айланга чизифи елка қиялигини қоқ ярмини бўлган жойида;
 - г** - Ўмров нуқтаси - ўмров суюгининг туш суюгига бириккан баланд жойи;
 - е** - туш суюгига нуқта - туш суюгининг ковурғалар учи бириккан сатҳа жойлашган чизигининг қоқ ўртаси;
 - з** - елка нуқаси - курак суюги акромиал ўсимтасининг юқорига чети билан елка бўғими соҳасини иккига бўлган вертикал текислик кесишган жой;
 - и** - билак суюгидаги (тирсакдаги) нуқта - билак суюгининг ташқи томондаги юқориги учи;
 - к** - кўкракдаги нуқта - кўкрак безининг учи;
 - м** - тиззадаги нуқта - тизза қопқоғининг маркази;
 - н** - қўлтиқнинг олдинги бурчакдаги нуқта - қўл пастга туширилганда қўлтиқ чукурчасининг олдинги чети ҳосил қиласидиган ёйнинг енг баланд нуқтаси;
 - о**- қўлтиқнинг орқа бурчагидаги нуқта - қўл пастга туширилганда қўлтиқ чукурчасининг орқадаги чети ҳосил қиласидиган ёйнинг енг баланд нуқтаси;
 - п** - думбадаги нуқта - думбанинг енг баланд жойи;
 - р** - бел чизиининг баландлик нуқтаси - биқиннинг ичга ботиб турган жойи пастки қовурға билан ёнбош суюгининг қираси оралиғи;
 - с** - қирра нуқтаси - ёнбош суюги қиррасининг четга енг кўп чиқиб турган нуқтаси (болаларни антропометрик текшириш вақтида бу нуқтага мурожаат қилинади).
- Барча ўлчовлар вертикал ва горизонтал текисликларда ўлчанади.
Умуртқа поғонаси орқали ўтиб танани ўнг ва чап қисмларга бўладиган вертикал текислик, шунингдек, унга нисбатан паралел жойлашган ҳамма текисликлар **сагиттал текислик** деб аталади. Сагиттал текисликларга нисбатан тик перпендикуляр жойлашган ва танани олдинги ва орқа қисмларга бўладиган вертикал текисликларга **фронтал текислик** дейилади.

Сагиттал ва фронтал текисликларга нисбатан тик жойлашган ҳамда танани юқориги ва пастки қисмларга бўладиган горизонтал текисликлар трансверсал текисликлар деб юритилади.

Ўлчов олиш вақтида гавда муайян вазиятни эгаллаши, яъни киши зўриқмасдан, тури туриши ҳамда қоматининг одатдаги ҳолатини сақлаш, бош, кўз-қулок горизонтал чизигидан четга ўтмаслиги, қўллар пастга туширилган, бармоқлар ёзилган, тизза букилмаган бўлиши, товоналар жуфтлаштирилиши ва оёқлар учи икки томонга керилиши лозим.

Антропометрик текширишлар вақтида трусиқдан бошқа кийимлар ва поябзал ечилади. Антропометрик текширишлар замонавий методикасининг ўзига хослиги шундаки, программалар, ўлчов турлари, ўлчаш асбоблари, ўлчаш шароитлари, тартиб ва усуллари максимал даражада унификация қилинган.

Ўлчов белгилари бош ҳарфлар билан ифодаланади ва ҳарфлар тагига индекслар ёзилади. Ҳарфлар ўлчов турига қараб танланади. Масалан,

В - баландлик;

Д - узунллик, масофа ва кундаланг ёйлар;

О - тўла айлана;

С- ярим айлана ;

Р - буй (бўй);

Ш - кенглик (ени), кўндаланг ёйлар;

Ц- марказлар ўртасидаги масофа;

d -диаметрлар;

f - чуқурлик.

Индекслар ўлчанган жойни англатади. Масалан: Вк- кўкрак баландлиги; Дор,уз,-орқанинг белгача узунлиги; Ок - кўкрак айланаси; Шк- кўкрак кенглиги; Тск-кўкрак безларининг учлари орасидаги масофа ва ҳоказо.

Антропометрик текширишлар оммавий равишда ўtkaziladigan ҳолларда стандартлаштирилган контакт ўлчаш асбоблари қўлланилади.

Мартина системасидаги ихчам, металл антропометр билан баландлик ўлчанади. Кўндаланг ва олдинги-кетинги проекция диаметрларини ўлчашда жуфт муфтали устки штангадан штангентсиркуль сифатида фойдаланилади.

Катта циркуль тўғри диаметрларни ўлчашга мўлжалланган.

3. Одам танасининг ўлчамли таснифи.


Айланаларни ўлчаш ва ёйсимон кундаланг ҳамда бўйлама ўлчовлар учун сантиметрли тасма қўлланилади.


Тананинг массаси медицина муассасалари учун мўлжалланган ихчам тарозида тортиб аниqlанади.

Чизиқли проекцион ўлчашлар полдан то антропометрик нуқталаргача бўлган қуйидаги маълумотларни билдиради: В бел,чиз. (7) - бел чизигининг баландлиги; В_к учи (6)-кўкрак безлари учининг баландлиги; В_{кўлт.ор.бурчаги.} (11) - қўлтиқ чуқурлиги орқа бурчагининг баландлиги; В_{дум.бур.}(12) - думба ости бурмасининг баландлиги.

Ёйли кўндаланг периметр (айлана) лар трансверсал текисликларда сантиметрли тасма ёрдамида ўлчанади: О_{буй.}(13) -бўйин айланаси ; О_{к.I} - (14) - кўкрак айланаси, биринчи; О_{к.II} (15) - кўкрак айланаси, иккинчи; О_{к.III} - ёки О_к(16)

- кўкрак айланаси, учинчи; О_{бел} (18) - бел айланаси ; О_{сон}(19) - сон айланаси (қориннинг баландлиги ҳам шу ҳисобга киради; (4.4-расм, в); О_{тўп.} (24) - тўпиқ айланаси (1.11 -раем, г) О_{ел} (28) - елка айланаси (4.4-расм,ж). Ёйли бўйлама ўлчашлар (баландлик, узунлик, масофа) тана айрим қисмларининг катталигини билдиради, бунда сантиметрли тасмадан фойдаланилади. Дён.бел. (25) - бел чизигидан полгача (ён томондан) бўлган узунлик (1.11-расм,д) Долд.бел (26) - бел чизигидан полгача (олди томондан) бўлган узунлик; Дбел.тиз (71) - бел чизигидан тиззагача бўлган масофа; Дор.уз.(40) - орқанинг бел чизиидагача узунлиги (курраклар баландлиги ҳам шу ҳисобга кирган; (4.4-расм,е); В_{ел.кия} (41) - елка қиялиги баландлиги; Дор.уз (43) - орқа томондан бел чизигидан бўйин асосигача бўлган масофа; Дкул.тири. (62) - қўлнинг тирсаккача узунлиги (4.4-расм,ж); В_к (35) - кўкрак баландлиги (4.4-расм,з); Долд.бел.(36) - олдинг бел чизигигача узунлиги; В_{олд.ел.к.}(60) - елка қиялигининг олд томондан баландлиги (4.4-расм,и); Дбўй.олд.бел.1 (61) - бўйин асосидан бел чизигигача олд томондан ўлчанган масофа. Ёйли кўндаланг ўлчашлар (кенглик,ёй) гавданинг айрим қисмлари кенглигини билдиради (бу ўлчашларни олишда сантиметрли тасмадан фойдаланилади); Ш_{ел.кия} (31) -елка қиялигининг кенглиги (4.4-расм,ж га қаранг); Ш_{ор} (47) - орқанинг кенглиги (4.4-расм, з га қаранг); Ш_к (45) -кўкракнинг кенглиги (4.4-расм, к га қаранг); Ц_к (46) - кўкрак безлари учлари оралии. Чизиқли проекцион ўлчашлар (чуқурлик) гавданинг ҳолати П_{гав}(74) ни (1.11-расм,б га қаранг), белнинг чуқурлиги, биринчи Г_{бел1} ва белнинг чуқурлиги, иккинчи Г_{бел2} ни (4.4-расм, в,г) билдиради,





Расм 4.4. Одам гавдасидан ўлчамлар олиш схемаси

Диаметрлар антропометринг юқорига штангаси, катта циркуль билан ўлчанади ёки бир белгининг ўлчовини бошқа белги ўлчовидан чегириб ташлаш йўли билан ҳосил қилинади: дқўл.в (69) - қўлнинг вертикал диаметри (4.4-расм, а га қаранг) ўлчов белгиси 11 нинг қийматидан ўлчов белгиси 5 нинг қиймати чегириб ташланиб ҳосил қилинади; долд.оп.к (58) - кўкрак айланаси, иккинчининг олд орқа диаметри антропометр юқорига штангаси ёрдамида олд томондан, кўкрак безларининг енг баланд нуқталари устида, орқадан эса кўкрак суякларининг туртиб чиқиб турган нуқталари устидан ўлчанади; ёлд.оп.с. (112) - сон айланаси сатхидаги олд-орқа диаметри (4.4-расм,б) -антропометринг юқориги штангаси ёки катта циркуль билан ўлчанади; долд.оп.д. (111)- белнинг олд-орқа диаметри (4.4-расм,г га қаралсин) - антропометринг номерлари ва таърифи техник хужжатларда

берилган.

Назорат саволлари

1. Одам танасининг қайси ўлчамлари умумий белгиларга киради?
2. Анропология нимани ўрганади?
3. Антропологик асбоблар қайсилар?

Таянч иборалар :

Антропология, гавда, тана, тана узунлиги проекцион ўлчамлар, чизиқли ўлчамлар, ёйлар, узунликлар, айланалар, бадандликлар, кенгликлар, штангенциркуль, Мартин асбоби.

МАЪРУЗА 6

Мавзу: Аҳоли ўлчам типологиясини қуриш ва антрометрик ўлчам стандартлари.

Режа:

1. Асосий размер белгиларни танлаш.
2. Ўлчамли антропологик стандартларнинг режали тизими
3. Бефарқлик интервали.

Кам сонли типавий қоматлардан тузилган режали ўлчамли типология бўйича оммавий тарзда тайёрланган кийим истеъмолчиларнинг кўп хиллик қоматларига(уларга ўлчамларнинг чексиз бирикмалари хос) мос келадиган бўлиши керак. Режали ўлчамли типологияни тузишдан мақсад кўп учрайдиган кўп хиллик қоматлар ичидан аҳолини кийим ўлчамлари билан максимал даражада қониқтирадиган кам сонли қоматлар типини ажратиб олишдан иборат. Аҳоли қоматлар типидаги тизими билан қониқкан деганда шу типавий қоматларда тайёрланган кийимларнинг аҳоли нисбий ёки абсолют сонига қай даражада мослиги тушунилади.

Ҳар бир қоматлар типига битта, иккита ёки кўпроқ етакчи ўлчамлар орқали ҳисобланган ўлчамларнинг ўртача қийматидан тузилган маҳсус жадваллар **ўлчамлар антропологик стандартлари** дейилади.

Ўлчамли типология ва ўлчамли антропологик стандартни тузишда қуйидаги масалалар ечилади: етакчи ўлчамларни танлаш; ҳар бир етакчи ўлчам бўйича ёнма-ён рақамли типавий қоматлар орасидаги фарқни аниқлаш; оммавий тарзда кийим ишлаб чиқариш мақсадида қўлланадиган типавий қоматлар режали сонини аниқлаш; етакчи ўлчамлар бўйича барча бошқа ўлчамларнинг қийматини аниқлаш; оммавий тарзда кийим ишлаб чиқариш мақсадида қўлланадиган типавий қоматлар режали сонини аниқлаш; етакчи ўлчамлар бўйича барча бошқа ўлчамларнинг қийматини аниқлаш; аҳоли орасидан ажратилган типавий қоматларнинг нисбий сонини(ўлчамлар ва бўйлар ассортиментини) ҳисоблаш.

Етакчи ўлчашларни танлаш. Тикув буюмларини рақамларга бўлишда ва қоматларни ўлчамли типларга ажратишда асос сифатида қабул қилинган ўлчамлар **етакчи** деб аталади. Етакчи ўлчамларга эга бўлган қоматлар типи типавий қомат дейилади.

Хар қайси типавий қоматни батафсил характерлайдиган қолган барча ўлчамлар **бўйсунган ўлчамлар** дейилади. Уларнинг қиймати **етакчи ўлчамлар** қийматига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Ўлчамли антропологик стандартларнинг режали тизимини тузишда етакчи ўлчамларнинг тўғри танланиши катта аҳамият касб этади.

Етакчи ва барча бўйсунган ўлчамлар бўйича аҳоли эҳтиёжини ўзига мос ўлчамли кийимда максимал даражада қониқтирадиган типларнинг минимал сони **ўлчамли антропологик стандартларнинг режали тизими** дейилади. Стандартлар тизимига кирган типлар сони етакчи ўлчамлар сонига боғлиқ. Одам танасининг ўлчамларини стандартлаштириш учун танланган битта етакчи ўлчам озлик қиласи, чунки аҳолига оид турли таналар ўлчамларининг ўзаро нисбати бирбирига ўхшамаган.

Етакчи ўлчамлар сонини кўпайтиришга эҳтиёж йўқ. Етакчи ўлчамларнинг сонини камайтириш имконияти ўлчамлар ўзаро боғланишига ва катта бефарқлик интервалига эга бўлган ўлчамлар мавжудлигига асосланган. Ўлчамларнинг ўзаро корреляцион боғланган эса бўлганлиги ҳам етакчи ўлчамлар сонини камайтиришга рухсат беради, чунки бир гурух ўлчамларнинг ўрнини битта етакчи ўлчам босиши мумкин.

Етакчи ўлчамлар танлашда уларга қуидаги асосий талаблар қўйилади:

- ўз гуруҳидаги ўлчамлар ичида унинг абсолют қиймати тана параметрини аниқлайдиган энг катта қийматга эга бўлиши ёки энг катта қийматга яқин бўлиш керак;
- етакчи ўлчамлар ҳар хил текисликларда жойлашган бўлиши керақ, чунки, ҳар қандай ўлчам фақат у билан бир текислиқда ёки унга параллел бўлган текисликларда жойлашган ўлчамлар билан зич боғланган;
- ҳар бир танланган етакчи ўлчам ўз текислигига жойлашган бошқа бўйсунган ўлчамлар билан юқори даражада зич боғланган, лекин, айни пайтда икки етакчи ўлчам ўзаро заиф боғланган бўлиши керак;
- кийим конструкциялаш ва амалда ошириш нуқтайи назаридан етакчи ўлчамлар етарли даражада осон аниқланадиган ва базис ўлчамларга мувофиқ бўлиши лозим, чунки конструкция айни базис ўлчамлар ёрдамида тузилади.

Енгил саноатда катта ёшли аҳолига мансуб қоматнинг типини аниқлайдиган етакчи ўлчамлар сифатида кўкрак айланаси учинчиси ва бўй (рост) қабул вилинган, чунки кўкрак айланаси кўндаланг ўлчамлар ичида энг каттаси, бўй эса баландлик ўлчамлар ичида энг катта қийматга эга. Кўкрак айланаси ва бўй ҳар хил текисликларда жойлашган ва улар орасидаги боғланишдаражаси катта эмас: аёллар учун $r_{1.16} = 0, 144$, эркакларда эса $r_{1.16} = 0, 300$. Кўкрак айланаси ва бўй билан бир текислиқда жойлашган бошқа ўлчамлар орасидаги боғланиш эса кучлиdir.

Лекин тажрибалар иккита етакчи ўлчам бўйича тайёрланган кийимнинг ўлчамларидан аҳоли етарли даражада қониқмаганлигини кўрсатади, чунки кўкрак айланасининг битта ўзгармас қийматига бел ва бўкса айланаларининг қатор мустақил ўзгарувчан қийматлари мос келади.

Кийим конструкциялашда кўкрак айланаси кийимнинг ўлчам рақами (размери)ни аниқлайди, бўй эса бўюмнинг узунлигини билдиради. Бироқ, икки етакчи ўлчам орқали тузилган кийим конструкцияси катта ёшли қомат типини

етарли даражада түлиқ ифодалай олмаслиги аниқланди. Күплаб ўтказилган ўлчамлар натижалари бўйича, кўкрак айланаси ўзгармаган пайтда қорин чизигиги ҳисобга олган бел ва бўкса айланаларининг қиймати сезиларли даражада ўзгариб туради. Қорин чизигини ҳисобга олган бел ва бўкса айланалари аҳоли қоматида ёши қайтган сари кузатиладиган ўзгарувчанликларни акс этгани сабабли бу ўлчамлар ҳам етакчи ўлчамлар қаторига қабул қилинган. Аёлларда кўпроқ бўкса айланасига, эркакларда эса бел айланасига ўзгарувчанликлар хосдир. Шу боис қоматнинг тўлалигини ифодалайдиган аёлларда учинчи етакчи ўлчам сифатида қорин чизигини ҳисобга олган бўкса айланаси Обўқ эркакларда эса бел айланаси Обел қабул қилинган. Эркаклар қоматида бел айланаси бўкса айланасига нисбатан кийимнинг яхши ўрнашувини кўпроқ таъминлайди.

Бефарқлик интервали. Типавий қоматлар сони нафақат етакчи ўлчамларга, балки ҳар бир етакчи ўлчам бўйича ёнма-ён турадиган типавий қоматлар орасидаги фарқقا ҳам боғлиқ.

Кийимнинг ўлчамлари орасидаги истеъмолчи сезмайдиган фарқ **бефарқлик интервали** дейилади. Бефарқлик интералининг мавжудлиги кийимни оммавий тарзда ишлаб чиқариш мумкинлигининг шартидир.

Агар бефарқлик интервали нолга яқин бўлса, тикув ва бошқа буюмларни саноатда оммавий тарзда ишлаб чиқариш амалий жиҳатдан мумкин бўлмай қолади.

Бефарқлик интервали кўпроқ икки томондан чегараланган бўлади. Бу бир хил ўлчамдаги кийимни нафақат ўлчами мос одамлар, балки белгиланган бефарқлик интерали орасидан жой олган ўлчами каттароқ ёки ўлчами кичикроқ одамлар ҳам истеъмол қилиши мумкинлиги демакдир(тикув ва трикотаж буюмлари, қўлқоплар, пойабзал ва ҳ.к.).

Баъзан бефарқлик интервали бир томонидан чегараланади. Бу ҳолда буюм муайян ўлчамдан кичик бўлиши мумкин эмас, катта томонга эса чегараланмайди(камарлар ва ҳ.к.).

Бефарқлик интервалига қатор омиллар таъсир этади. Улар қаторига қуйидагилар киради: ўлчамлар қиймати, буюм ўлчами тебранишини истеъмолчининг сезиш даражаси; материаллар хусусиятлари ва ҳ.к. Ўлчамнинг қиймати катталашган сари бефарқлик интерлик ҳам ошаверади.

Тана кийим ўлчами (раками, яъни размери) тебранишига қанчалик сезилувчан бўлса, бефарқлик интервали ҳам шунчалик камаяди. Материал чўзилувчанлиги ошган сари бефарқлик интервали ҳам ошаверади.

Бефарқлик интервали тажрибалар натижаси аниқланади. Шунингдек, тикувчилик саноатида кийим конструкциялаш мақсадида етакчи ўлчамларнинг қуйидаги бефарқлик интервали аниқланган: кўкрак, бел ва бўкса айланалари бўйича 4 см (± 2 см); тўлаликлараро бефарқлик интервали бўкса айланаси бўйича(қорин чизиги ҳисобга олинган ҳолда) 4 см (± 2 см), бел айланаси бўйича эса – 6 см (± 3 см).

Кийимларда бўйлар бўйича бефарқлик интервали (бўйлараро фарқ) кийимнинг узунлиги билан зич боғланган. Буюм узунлиги бўйича бўйлараро фарқ буюмнинг хили ва унинг узунлигига боғлиқ ҳолда ўзгариш керак. (5.1-жадвал)

Тикув буюмлари узунлигининг бефарқлик интервали

5.1-жадвал.

Кийим турлари	Буюмларнинг узунлиги, см	Бўйлар бўйича фарқ, см
Калта нимча	40 гача	1
Блузка	41-60	1,5
Пиджак, жакет	61-80	2
Калта кўйлак ва пальтолар	81-100	3
Шим, кўйлак ва пальто	101-125	4
Узун кўйлак, пальто ва шинель	126-150	5

Назорат саволлари

4. Режали ўлчамли типология нима ?
5. Ўлчамлар антропологик стандартлари деб нимага айтилади?
6. Етакчи ўлчамлар нима?
7. Бўйсунган ўлчамлар нима?
8. Бефарқлик интервалини изоҳлабберинг?

Таянч иборалар:

Режали ўлчамли типология, ўлчамлар антропологик стандартлари, етакчи ўлчамлар, бўйсунган ўлчамлар, бефарқлик интервали.

3-модуль. Кийим конструкцияси ва шакли таснифи. МАЪРУЗА 6


Мавзу.Кийимининг ўлчамлари, шакллари. Тўқислик қўшимчалар.

Режа:

- 1.Кийимнинг шакли ва ўлчамлари.
- 2.Тўқислик ўлчамлари ва уни ҳисоблаш.
- 3.Кийимда ташқи ва ички ўлчамларнинг ўзаро боғланиши.

Замонавий кийим жуда хилма-хилдир, унинг тузилиши ва размерлари одам гавдасининг ўлчамлари ва тузилиши, мода йўналиши мўлжалланиши билан чамбарчас болиқдир. Кийимнинг шакли деб, бевосита одам танасида кийим ҳосил қиласиган фазовий сиртга айтилади. Унинг сирти ўзгарувчан, мураккаб эгри чизиқли юза каби тўғри геометрик шаклдан жуда йироқдир. Шунинг учун тикув буюми ҳаракатга эга бўлган фақат одам-кийим тизимда комплекс баҳоланади. Бу тизимнинг хусусиятлари уни тузувчи элементлар хусусиятларига боғлиқ.

Одам танасини кийим қисмларига мувофиқ қаторшартли бўлакларга ажратиш мумкин(7.1-расм, 7.1-жадвал).



6.1-расм. Одам танаси ва кийим юзасининг бўлининиш схемаси.


Кийим танани қоплаб турғанлиги туфайли унинг айрим қисмлари кўп тхил кийимларда тақорорланади. Мисол учун: палто, пиджак ва ҳ.з.2+3+4 қисмлардан тузилган, шим эса 4+5 қисмлардан тузилган.

Одам танасининг қисмларига мос кийимлар.

6.1-жадвал.

Тана участкаси ва унга мос кийим қисмининг рақами	Тананинг асосий қисмлари	Кийимнинг қисми ёки тури
1	Бош ва бўйин	Капюшон
2	Кўкрак қафаси	Нимча
3	Қўллар	Енг
4	Тос қисми	Калта трусиқ
5	Оёқлар	Шимнинг пастки қисми

Кийимлар типи конструктив тешиклар сонига боғлиқ ҳолда ажратилади. Масалан, пелерина типидаги кийим битта асосий тешикка эга. У бош ва бўйинга мўлжалланган (6.2-расм,б). Пальто типидаги кийимлар эса учта асосий тешикларга эга: биттаси бош ва бўйин учун, иккитаси енг ўмизи ва қўлларга мўлжалланган(6.2-расм, а).



6.2-расм. Конструктив тешиклар сонига боғлиқ ҳолда кийим конструктив вариантиларнинг схемалари.

Шим типидаги кийимлар ҳам учта тешикли: биттаси бел айланасига, иккитаси эса оёқларга мўлжалланган(6.2-расм, в). Юбка типидаги кийимлар(6.2-расм,е)бел айланасида жойлашган битта тешикка эга, комбенезон типидаги кийимлар эса (6.2-расм,д)-олтита тешикли.

Кийим размерларини ва шаклинни ички ва ташқи размерлари.


Кийим размерларини ва шаклинни ички ва ташқи размер ва шаклларга бўлиш керак.

Кийимнинг ички размерлари ва уларга тегишли одам гавдаси размерлари билан аниқланади, лекин кийим худди шундай размерда бўла олмайди. Кийим одам танасининг турли нуқта ва чизиқларига таянгани учун одам танаси шаклинни тақорорлаши керак. Айрим кийимларда, яъни мўлжалланишига қараб, одам танасининг айрим жойларига зич ёпишса, бошқа жойига эркин ёпишмасдан туради. Кийим ёпишиб турадиган тананинг жойлари **таянч юзаси** деб аталади, уларга мос деталлар қисми эса таянч ёки **статик контакт** қисми дейилади.

Таянч юзаси жойланишига боғлиқ ҳолда тикув буюмлари икки асосий конструктив гурухга бўлинади: тананинг юқори қисмига мўлжалланган кийим

(елка суягига таяниб қўл, тана ва қисман ёки тўлиқ равища бўйинни беркитади); тананинг пастки қисмига мўлжалланган кийим тос- бўкса суягига таяниб, тананинг пастки қисмини ҳамда қисман ёки тўлиқ равища оёқларни беркитади.

Кийимда статик контакт участкаларининг шакли ва ўлчамлари типавий қоматларнинг таянч юзаларига мослиги одам-кийим тизимининг статикадаги мувозанатини таъминлайди.



6.3-расм. Елкали кийимларучун таянч юзалар схемаси:
а-эркаклар, б-аёллар.

Таянч юзасидан кийимнинг ички юзаси билан одам танасининг орасида ҳаволи бўшлиқлар ҳосил бўлади. Улар одамнинг бемалол нафас олишини, эркин ҳаракатини, ушбу кийимда ўзини нормал ҳис этишини ҳамда кийимнинг муайян шаклини, яни силуэтни таъминлашига хизмат қиласади.

Шу боисдан кийимнинг ички ўлчамлари тана ўлчамларига нисбатан тўқислик қўшимчалари микдорига мўлжаллаб лойиҳаланади.

Тўқислик қўшимчаси ва уни ҳисоблаш. Кийимнинг ҳар бир конструктив участкасида ҳисобга олинадиган Π тўқислик қўшимчасини минимал зарур бўлган Π_{min} ва декоратив-конструктив $\Pi_{d.k.}$ қўшимчалар йигиндиси тариқасида баҳолаш мумкин:

$$\Pi = \Pi_{min} + \Pi_{d.k.}$$

Минимал зарур бўлган тўқислик қўшимчаси танага минимал босимли ҳолатида одамнинг бемалол ҳаракатини ва нафас олишини ҳамда кийим остида тери нафас олишига ва иссиқлик алмашинувига зарур бўлган ҳаво қатламишининг мавжудлигини таъминлаши керак. Ўзбекистон худудига мослаштирилган ва илмий асосланган ҳолда тузилган тўқислик қўшимчасининг ҳисобида келтирилган.

Нафас олганда кўкрак қафасининг ўлчамлари ўзгариши қузатилади. Чуқур нафас олганда ва нафас чиқарилганда кўкрак айланасининг фарқи ўрта ҳисобда 5,5 см ни ташкил этади.

Конструкция тизимида ишлатиладиган барча ўлчамлар тинч ҳолатда олиниши сабабли кийим конструкциялашида ишлатиладиган тўқислик қўшимчаси, қатор тавсияларга кўра, чуқур нафас олганда кўкрак айланасининг ўзгариши фарқига асосланниб ҳисобланади.

Кийим кенглигини аниқлайдиган етакчи ўлчамлар учун минимал зарур бўлган тўқислик қўшимчаси- Δx_{16} , яъни кўкрак айланаси учинчи ўзгарган фарқи. Ву ўлчам чуқур нафас олгандаги ўзгаришга ва кийимнинг вазифасига боғлаб ҳисобланади.

Тадқиқотлар маълумотларига кўра ушбу, ўзгариш қиймати тахминан 1,5 см га teng, ёки статикадаги ўлчамнинг 2,5 фоизини ташкил этади. Лекин муайян размерли кийимни нафақатразмерига мос, балки ўз размеридан бефарқлик

интервалининг $\pm 0,5$ га фарқланадиган фигурали кишилар ҳам кийиши мумкин. Шу боис бемалол нафас олишга мўлжалланган тўқислик қўшимчаси (кўйлак, пиджак ва жакетлар учун) камида 2,5 смни ташкил этади, яъни: $\Pi_{\min}=0.5d+0.5 \Delta x_{16}$.

Пальто, плаш ва бошқа устки кийимларни лойиҳалашда минимал зарур қўшимча қиймати остки материаллар қаватларининг қалинлигига ошади. Уларнинг қалинлиги ўрта ҳисобда 0,25 смдан 0,30 смгача ҳисобланса, материаллар қалинлигига қўшимча $\Pi_{t.m}$ қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Pi_{t.m}=3,14(0,25-0,3)=0,8-0,91=1\text{ см}.$$

Демак, уст кийимларини лойиҳалашда минимал зарур қўшимчаланинг қиймати тахминан 3,5 смга teng.

Кийим остида иссиқлик алмашинуви ва тери орқали нафас олишни таъминлайдиган ҳаво қатламисиз ($\Pi_{v.p.}$) одам ўзини эркин ҳис этолмайди, чунки тери билан кийимнинг ташки юзаси ва кийим қаватлари орасида жойлашган ҳаво қатлами одам танасининг атрофида муайян мириқлим ҳосил қиласди. Изланишлар маъмотларига кўра, кийимнинг асосий конструктив чизиқлари (кўкрак, бел, бўкс) бўйича ҳаво қатлами қалинлигига мўлжаллаб лойиҳаланадиган минимал зарур бўлган қўшимчанинг қиймати жун газламалар учун $2,5\delta$, ипак газламалар учун 3δ , ипли газламалар учун эса $3,25$ га teng қилиб олинади (бу ерга δ -пакет материалларининг жамлама қалинлиги).

Шундай қилиб, устки кийимларни лойиҳалашда кўкрак яrim айланасига қўшиладиган минимал зарур бўлган қўшимчанинг қийматиқуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\Pi_{\min}=0.5d_{16}+0.5 \Delta x_{16}+\Pi_{t.m}+\Pi_{v.p},$$

бунда: d_{16} -кўкрак учинчи айланаси нафас олганда ўзгариши; Δx_{16} - ушбу ўлчамга хос бефарқлик интервали; $\Pi_{t.m}$ - остки кийим қаватларининг қалинлик қўшимча; $\Pi_{v.p}$ -ҳаво қатламининг қалинлигига қўшимча.

Лекин тинч ҳолатда нафас олишга нисбатан, одам юрганида ҳамда турлича ҳаракатлар бажарганда танасининг айрим ўлчамлари кўпроқ ўзгариади. Масалан, қўллар кўтарилиганда тананинг бўйлама ўлчамларида кўпроқ ўзгаришлар кузатилади. Қўлларни чўзиб олд томонга энгашган ҳолда эса оёқ ва қўллар узунлиги ўзгариади. Шу боис кийим конструкциясида асосий деталларнинг ўлчамлари лойиҳаланаётган буюмнинг вазифаси, шакли ва конструктив тузилиши билан боғлиқ ҳолда ҳисобланади. Одамнинг бемалол ҳаракатини таъминлайдиган кийим қисмларининг кенглигини ўрта ва ён чокларда жойлашган қирқимлар, турли тахламалар каби конструктив элементлар орқали камайтириш мумкин.

Композицион қўшимчалар.


Кийим конструкциясининг кўкрак, бел, бўкс асосий чизиқларига ва енг чизиқларига ҳисоблашда елка айланасига тўқислик қўшимчалари пакет қалинлигига қўшимча билан биргалиқда композицион ёки конструктив қўшимча дейилади:

$$\Pi_k=\Pi_c+\Pi_{t.m}$$

бу ерда: Π_k - конструктив қўшимча; Π_c - минимал зарур қўшимча.

Уларнинг қиймати кийим хилига, мода йўналишига боғлиқ ҳолда ижодий изланишлар натижасида ҳар мавсумда етакчи силуэтларга тавсия этади. Кийимнинг шакли ва замонавий мода йўналишига мослиги нафақат кўкрак чизиги бўйича

түкислик қўшимчасининг қийматига, балки унинг асосий конструктив участкалари (орқа бўлак, енг ўмизи, олд бўлак) аро тақсимланишига ҳам боғлиқ. Кўкрак чизиги бўйича олинадиган түкислик қўшимchasининг қиймати кийим вазифаси ва мода йўналишига қараб тақсимланади(7.4-расм).



6.4-расм. Кийимда (а) ва чизмада (б) конструкциянинг асосий участкалари аро кўкрак айланасига қўшимчанинг тақсимланиши.

Композицион қўшимча хақнинг тақсимланиш характеристи кўпинча кийимнинг мўлжалланишига болиқ.

Турли хил кўринишдаги ва силуэтли елкага оид кийимларнинг композицион қўшимча хақлари, см.

6.2-жадвал.

Кийим тури ва силуэти	П16	П18	П19	П28
Пиджак				
Қисман ёпишиб турадиган	7-8	8-10	4-5	10-11.5
Тўғри	8-10	-	модага караб	11.5-12.5
Ёпишиб турадиган	6-7	4-5	4-5	10-11
Куйлак				
Қисман ёпишиб турадиган	4-5	8-10	>1.5	6-8
Тўғри	5-6	-	модага караб	6-8
Ёпишиб турадиган	3-4	3-4	>1.5	6-8

Кийимда ташқи ва ички ўлчамларнинг ўзаро боғланиши.

Кийим пакетининг қалинлигига қўшимча.


Юпқа материаллардан материаллардан тайёрланадиган бир қаватли буюмларда ички ва ташқи ўлчамлари деярли тенг бўлади.

Кўп қаватли буюмлар пакетига астар ва аврадан ташқари оралиғ материаллар ҳам киради.Шу боис кийимнинг ташқи ўлчамлари ички ўлчамларидан пакет материалларининг қалинлигига оид қўшимча қийматга $\Pi_{t.m}$ фарқли равишда лойиҳаланади. Агар кийимли одам танасининг горизонтал қирқимини айлана деб ҳисобласак (6.5-расм, а), бир қаватли кийим пакети $\Pi_{t.m}$ қўшимчасининг тахминий қиймати қўйидагича ҳисобланади:

$$\text{ички қават учун} - \Pi_{t.m} = \alpha R_h - \alpha R_b = \alpha(R_h - R_b) = \alpha(R_b + \delta - R_b) = \alpha\delta ,$$

ташқи қават учун- $\Pi_{t.m}=\alpha R_o - \alpha R_b = \alpha(R_o - R_b + 0,5\delta) = 0,5\alpha\delta$,

бунда: α -кийим билан қопланган ёйнинг марказий бурчаги, rad; δ -материал қалинлиги, см; R_h – кийим пакетининг ташқи қаватёйининг радиуси; R_o – кийим пакетининг ички қаватёйининг радиуси, R_b – кийим пакетининг ўрта қаватёйининг радиуси, см.



6.5-расм. Материаллар пакетига қалинлигига қўшимчани ҳисоблаш схемаси: а-бир қаватли; б-кўп қаватли.

Кўп қаватли кийим пакети учун $\Pi_{t.m}$ қўшимчанинг қиймати астар, авра ва оралиғ материаллар қалинлиги ҳисобга олинган ҳолда (7.5-расм, б) қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Pi_{t.m} = \alpha(\delta_p + \delta_{pr} + \delta_{y.pr}) + \alpha 0,5\delta_{o.t} = \alpha(\delta_p + \delta_{pr} + 0,5\delta_{o.t}) + \alpha\delta_{y.pr},$$

бунда: δ_p - астарқалинлиги, см; δ_{pr} - қотирма қалинлиги, см; $\delta_{y.pr}$ - иссиқлик сақловчи қаватнинг қалинлиги, см; $\delta_{o.t}$ - асосий материалнинг қалинлиги, см.

Назорат саволлари:

1. Кийимнинг шаклига изоҳ беринг?
2. Кийимнинг конструктив тешиклар сони нимага боғлиқ?
3. Таянч юза нима?
4. Тўқислик қўшимчаси ва уни ҳисоблаш?
5. Композицион қўшимчаларнима учун керак?
6. Кийим пакети нима?

Таянч иборалар: кийимнинг шаклига, кийимнинг конструктив тешиклар, таянч юза, статик юза, тўқислик қўшимчаси, композицион қўшимча, кийим пакети, кўп қаватли кийим пакети.

МАЪРУЗА 7

Мавзу. Кийимнинг ташқи тузилиши ва конструкцияси. Кийимнинг конструкциялаш усулларининг классификацияси.

Режа:

1. Кийим ташқи шаклига характеристики.
2. Кийимнинг бичими.
3. Кийим конструкцияси характеристикаси.
4. Кийим конструкциялаш усулларининг умумий характеристикаси ва классификацияси.
5. Кийим конструкциялашга оид юзалар ёйилмасини қуришнинг умумий принциплари.
6. Кийим деталларининг ёйилмаси ва уларнинг таснифи.
7. Кийим деталлари конструкциясини Чебишев тўрида қуриш асослари.

Кийимнинг шакли мухим композицион элементлардан бири ҳисобланади. Унинг таҳлили қуидаги йўналишларда олиб борилади:

- чизиқлари, безаклари, қўринадиган чоклари, газламанинг тури, унинг сирти, ранги, шаклланиш хусусиятлари;
- кийимнинг тўқислик даражаси;
- кийим шаклининг ички тузилиши;
- одам қоматининг пластик шакли.

Кийимнинг шаклий характеристикиси. Кийим шаклини асосан силуэт, конструктив ва декоратив чизиқлар ташкил этади.

Силуэт чизиқлари кийимнинг пропорциялари, ҳажмий шакли ва унинг ташқи контур чизиқлари билан аниқланади. Силуэт чизиқлари қаторига елка, бел, этак ҳамда кийимнинг олд ва ташқи қиёфасини идрок қилишга ёрдам берадиган чизиқлари киради.



7.1-расм. Аёллар кийимининг асосий силуэтлари:

а-ярим ёпишган, б-тўғри, в-ёпишган, г-трапециясимон.

Замонавий кийим моделлаштириш амалиётида барча ёшдаги истеъмолчиларнинг ўлчам ва тўлалик гурухлари мўлжалланган бир неча этакчи силуэтлар қабул қилинган. Улардан учтаси- тўғри (7.1-расм, б), ёпишган (7.1-расм, в), ярим ёпишган (7.1-расм, а)- кўп йиллар мобайнида мода ўзгаришларида қарамай, асосий классик силуэтларга айланган. Силуэт франсузча “silouette” сўзидан келиб чиққан бўлиб, предметнинг текисликка тушган контур чизиқларини англатади. Айрим даврларда этаги кенгайган ёки торайган (7.1-расм, г) трапециясимон силуэт ҳам модада ўрин эгаллаб келган.


Конструктив чизиқлар (чоклар) конструкциялаш усувлари орқали қоматга мос ҳажмий шаклни ҳосил қилиш учун кийим сиртини айрим деталларга бўлади.

Асосий конструктив чизиқларни елка, ён, ёқа, этак ва енг ўмизлари ҳамда енг чизиқлари ташкил этади. Бу чоклар кийимда деярли кўзга ташланмайди. Витачка ҳам чок, лекин у фақат деталнинг қисмидан ўтади. Витачкалар каби бўртма чокларнинг чизиги ва кокеткаларининг чоклари бир вақтнинг ўзида ҳам конструктив, ҳам декоратив функцияларни бажаради.

Декоратив чизиқларга ёқа, борт ва борт қайтармасининг контур чизиқлари ҳамда турли безатувчи деталларнинг чизиқлари киради.

Конструктив ва конструктив-декоратив чоклар асосан тана қисмлариниң бирордан чизиқларидан (бўйин ва тана, қўллар ва тана ва ҳ.к.) тананинг энг бўртган жойларидан ўтади.


Одамнинг танаси симметрик шаклга эга бўлганлиги сабабли кийим, одатда, икки симметрик бўлакдан тайёрланади. Орқа бўлак кўпинча ўрта чокли лойиҳаланади, олд эса тақилма орқали икки бўлакдан ташкил топади. Елка чоки кийимнинг эксплуатация даврида ҳосил бўладиган чўзиш кучлари йўналишини олд ва орқа бўлакларда танда ипнинг вертикал йўналиши билан устма-уст туширишга ёрдам беради. Кийимнинг сирти тана қисмларига мос бўлган қатор бўлаклардан тузилган. Олд ва орқа бўлаклар, енг ҳамда асосий деталларидан тузилган шакл енг кўп содир бўладиган бўлиниш хилларидан бири ҳисобланади. Ушбу бўлинишнинг намунаси 7.2-расмда, эркаклар пиджакининг деталларида кўрсатилган.



7.2-расм. Эркаклар пиджакнинг асосий деталлари:

1-орқа бўлак; 2-қирқма ён бўлак; 3-олд бўлак; 4-енгнинг остки бўлаги; 5- енгнинг устки бўлаги; 6-остки ёқа; 7- устки ёқанинг қайтармаси; 8- ёқанинг қирқма кўтартмаси.

Айрим деталлар ўз навбатида мода йўналиши ва модел бичимиға мос ҳолда бир неча деталларга бўлиши мумкин (7.3-расм). Лекин шакл ичидағи бўлинишлар унинг яхлит қўринишга таъсир этмайди.




7.3-расм. Орқа бўлак бўлинишларининг хиллари:

а- икки чокли; б-уч чокли; в-кокеткали; г-қирқма белли; д- олти чокли.

Кийим бичими. Кийим деталларининг шакли ва ўлчамларига таъсир этувчи асосий омиллардан бири унинг бичимини ҳисобланади. Бичим кийимнинг конструктив ва умумий тузилишини характерлайди. Кийим бичими унинг енгил асосий деталлари билан улаган ўмиз шакли ва бу деталларда мавжуд бўйлама ва кўндаланг чизиқлари билан аниқланади. Демак, бичим тури шаклда бичилган ва

уланган асосий деталлар ёрдамида тузилган кийимнинг умумий кўринишидир(7.1-схема).



7.1-схема.Кийим деталларининг бўлиниши: Ў-ўтқазма енгли; Я-яхлит бичилган; Р-реглан енгли; К-комбинациялаштирилган; б/ш-чоксиз; 1ш-бир чокли; 2ш- икки чокли; 3ш- уч чокли; 5ш-беш чокли; бш-олти чокли; Ко- кокеткали; Л+Ю- кийимнинг лиф ва юбкага бўлинганлиги.

Енгларни кийимнинг асосий деталлари **олд ва орқа бўлаклар** билан уланиш тури ва силуэти шакли бўйича бир-биридан жiddий фарқланадиган **ўтқазма, реглан ва яхлит бичилган** асосий бичимларга ажратиш мумкин. Лекин реглан ва яхлит бичилган енглар ўтқазма енгдан ҳосил бўлган. Ўтқазма енг, ўз навбатида, шакли ҳамда бичими бўйича оддий ва чукурлаштирилган ўмизга мос енгларга ажратилади.


Енгларга оид асосий бичимларнинг тури тирикмалари қўшимча равища ҳосил бўлган янги комбинациялаштирилган бичимлари хилини ташкил этади. Масалан, орқа бўлак яхлит бичилган енгли, олд бўлак эса ўтқазма енгли ва ҳ.к. ўтқазма енгнинг асосий деталлар билан бириктирма чокли қўл тана билан бирлашган чизиқча яқинлашиб ўтади. Реглан бичимида буюмларнинг ўзига хос хусусияти ёқа ўмизидан бошланадиган енг ўмизидир. Шу сабабли реглан енг тикув буюмининг юқори қисми билин бирга бичилади. Олд ва орқа бўлакларда енг ўмизи елка чизигининг исталган нуқтасидан бошланса ярим реглан бичими ҳосил бўлади. Енги яхлит бичилган кийимларда енг орқа ва олд бўлаклар билан бирга мўлжалланган ўмиз чизиги бўйича чоксиз яхлит бичилади.

Бичим яна асосий деталларда бўйлама ва қўндаланг ўтадиган чоклар мавжудлиги билан характерланади. Тикув буюмлар бўйлама чоклар сонига қараб қўйидагича фарқланиши мумкин: чоксиз-тақилма олд бўлакда; бир чокли- орқа бўлак ўрта чокли, олд бўлак эса тақилма; икки чокли- буюм икки ён чокка эса; уч чокли –иккита ён чок ва орқа ўрта чокли; беш чокли- икки ён чок, қирқма ён бўлак чоклари, орқа чокли; олти чокли – икки ён чок, олд ва орқа бўлакларда иккитадан чок. Турли бичимдаги енглар ҳам қатор бўлаклардан тузилиши мумкин: бир чокли –остки ёки тирсак чокига эга; икки чокли- олд ва тирсак чокли, ёки устки ва остки чокли; уч чокли- олд, тирсак ва устки чокли. Кийимнинг юқори қисми пастки қисм билан бел чизигида яхлит бичилган ёки қирқма бўлиши мумкин. Олд ва орқа бўлакларинг қирқма юқори қисми кокетка дейилади.


Белга оид кийимлар ҳам худди елкали кийимлар каби бўлакланади (7.2-схема). Шим ва юбкаларга бўлинади. Улар ўз навбатида қўнгдаланг ва бўйлама бўлакланади. Бўйлама бўлакланишда : шимлар- икки ва тўрт чоклига; юбкалар-чоксиз, бир чокли, икки чокли, тўрт чокли ва олти чоклига бўлинади. Кўнгдаланг бўлакланишда шим ва юбкалар кокеткали бўлиши мумкин.

Кийимларнинг конструктив характеристикаси. Кийимнинг конструктив тузилиши, унинг бичими ва силуэти, деталларининг шакли, бирикма чоклар тури ва материаллар хили билан характерланади.

Енг кенг тарқалган ўтқазма енгли кийим деталларининг типавий конструкцияси эркаклар пиджагининг мисолида 7.3-расмда келтирилган. Реглан бичимли кийим деталларининг конструкцияси 7.4-расмда кўрсатилган. Устки кийимларда реглан енг икки чокли ёки уч чокли (7.4-расм, а ва б), кўйлакларда эса (7.4-расм, в ва г)- бир чокли ёки икки чокли бўлиши мумкин.



7.2-схема. Белга оид кийимларниң бүлиниши: б/ш-чоксиз; 1ш-бир чокли; 2ш-икки чокли; 3ш- уч чокли; 4ш-тўрт чокли; бш-олти чокли; К- кокеткали.




7.4-расм. Реглан бичимли кийимнинг асосий деталлари.

Яхлит бичилган енги буюмлар деталларининг конструкциясига хослик енгининг олд ва орқа бўлаклар билан бирлаштирилишидадир.

Калта ўмизли яхлит бичилган енгли конструкцияга ўмизни кенгайтириш мақсадида махсус хиштак қўйилади(7.5-расм, а). Бу хиштак қирқма ён бўлак билан ёки енгнинг остки қисми билан яхлит бичилиши мумкин.

Аёллар ва қизлар кийимининг олд ва бўлак конструкциясига кўкрак атрофида ҳажмийликни таъминлашга мўлжалланган кўкрак витачкаси хосдир.




7.5-расм. Яхлит бичилган енгли кийимнинг асосий деталлари.

Кўкрак витачкаси нақафат конструктив аҳамиятга эга, балки у модел учун турли кўринишларни таъминлайдиган асосий декоратив восита ҳисобланади.

Кийим ва унинг айримдеталлари тикилгандан кейин муайян бир ҳажмий-фазовий юзани хосил қиласди. Кийим деталлари текис материалдан бичилади, масалан матодан, трикотаждан, тўқилмаган материаллардан. Шунинг учун кийимларни конструкциялашнинг асосий вазифаларидан бири текис материалдан ҳажмий шакли жисмларнинг қобиқларини хосил қилиши ва тескари масалани ечиш, яъни кийим қисмларининг сиртларини текисликда ёйиш - кийим деталларининг ёйилмасини хосил қиласди. **Юзанинг ёйилмаси** деб, текисликда хосил бўлган геометрик фигурага айтилади.

Кийим конструкциялашга оид юзалар ёйилмасини куришнинг умумий принциплари.

Барча ҳажмий сиртлар ёйиладиган ва ёйилмайдиган сиртларга бўлинадилар.Текисликда бешикаст ёйиладиган юза **ёйиладиган юза** дейилади.



7.6-расм. Ёйиладиган юзалар. BC — тўғри; $B_1C_1=BC$; $A_1B_1=AB$; $A_1C_1=AC$; $\angle A_1=\angle A$; $\angle B_1=\angle B$; $\angle C_1=\angle C$; $S'\Delta A_1B_1C_1=S'\Delta ABC$.

Ёйиладиган юзаларнинг ёйилмалари шакли ва конфигурасияси ёйилиш жараёнида ўзгармайди, яъни тўғри чизиқлар тўғрилигича қолади, фазовий юзадаги бурчаклар эса текислик сиртидаги бурчакларга тенг бўлади. Юзанинг бирон-бир қисмининг юзаси текисликда ёйилганда ўзининг микдорини ўзgartирмайди (7.6-расм).

Бундай ёйилмада ёйиладиган юзалар икки хил фарқланади: фазовий чизикларга ўтказилган уринмалар орқали ҳосил бўлган юзалар ва айланиш натижасида ҳосил бўлган юзалар (конуссимон ва цилиндрсимон).

Юзанинг эгрилик ўлчамини Гаусс эгрилиги орқали ифодаланади:

$$K = \frac{1}{\infty R_2},$$

бунда R_1 ва R_2 юзага хос асосий эгриликларнинг радиуслари.

Ёйиладиган юзаларда Гаусс эгрилиги $K = 0$. Бу юзаларнитўғри чизиклар ҳосил қиласди. Агарайланалар ёйларини тўғри чизиклар деб фараз қилсак, бу ёйлар радиуслари чексизликка айланади:


$$K = \frac{1}{\infty R_2} = 0$$

Демак барча ёйиладиган юзалар деформациясиз текисликда ёйилиши мумкин.

Ёйиладиган юзаларда асосий эгрилакларнинг радиуслари чексиз эмас, яъни $R_1 \neq \infty$, $R_2 \neq \infty$ сабабли $K \neq 0$.

Бу юзалар текисликда аниқ, бешикаст ёйилмайди. Агар шундай юзадан ёйилма олиш зарур бўлса, унда сиртнинг фақат тахминий ёйилмасини олиш мумкин. Юзани каттиқ жисмдек эмас, балки юмшоқ чўзилувчан пленкадан тайёрланган, деб фараз қилсак, унинг ёйилмасини текисликда олиш мумкин бўлади. Лекин фақат уни деформациялаб ёки чоклар орқали ҳосил қилиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бунда текислик қисмларга бўлинади ва ҳар бир қисм ёйиладиган юзага (цилиндрик ёки конуссимон) аппроксимацияланади ва ёйилади. Шундай қилиб, юзанинг бўлакланган тахминий ёйилмаси ҳосил қилинади.

Кийим юзаси мураккаб деталлари **ёйилмайдиган юзаларни** ёйиш учун бу юза одатда қисмларга бўлинади ва ҳар бир қисм ёйиладиган юзага (цилиндрик ёки конуссимон) аппроксимацияланади ва ёйилади. Кийим типовой бўлакланиш ҳисобига зоналарга бўлинади. Кийим деталларини бўлаклаш лойиҳалаш усусларини танлашга, модел эскизига ва лойиҳаланаётган буюм шакли чизмасига боғлиқ. Бўлаклар сони юза ёйилмасининг эгрилик характеристига боғлиқ. Шундай қилиб эркаклар пиджагинининг орқа бўлагини олтита, қирқма ён бўлагини иккита ва олд бўлакни тўртта бўлакка бўлиш мумкин.



9.2-расм. Эркаклар пиджаги асосий деталлари ёйилмасини ҳосил қилиш схемаси.

Кийим деталларининг ёйилмаси ва уларнинг таснифи

Дастлабки маълумотлар характерига қараб мавжуд бўлган кийим деталларини конструкциялаш усулларини 2 синфга бўлиш мумкин:

- биринчи синфга мансуб усуллар типик одам гавдасининг размер ўлчамларига ва қўшимча ҳақларга кийим деталларини типик бўлакланиши ва уларни шакл ҳосил қилиши ҳақида маълумотларга асосланган бўлиб, улар кийим деталларининг муҳим конструктив нуқталарини жойланишини тахминан аниқлайдилар;
- иккинчи синфга мансуб усуллар анча аниқ бўлиб, улар кийимнинг этalon - нусхасининг ёйиладиган сиртининг ўлчашга асосланган бўлиб, кесишувчи юзалар усули, Чебишев усули, муляж ва тўр-канва усуллари шулар жумласидандир.

Иккинчи синф усуллари материалнинг геометрик структурасида рўй берадиган ўзгаришларни ҳисобга олишга асослангандир.Материалларнинг геометрик структурасининг ўзгариши уларнинг фазовий ҳолатдан текис ҳолатга ўтиши натижасида рўй беради.

Иккинчи синфга мансуб конструкциялаш усуллари турли йўллар билан олиб борилади. Масалан, ўзаро кесишувчи юзалар усули - график ва аналитик усуллари билан; Чебишев тўрлари усули 5 усул билан- график; тўр-канва усули; текис акслар усули; аралаш усул; аналитик усуллар.

Назорат саволлари:

1. Кийимнинг шакли нима?
2. Муҳим композицион элементларни айтинг?
3. Конструктив чизиқлар нима?
4. Декоратив чизиқлар нима?
5. Елкага оид кийимлар қандай бўлинади?
6. Белга оид кийимлар қандай бўлинади
7. Яхлит бичилган енгнинг асосий деталлари қайсилар?
8. Реглан бичимли енгларнинг асосий деталлари қайсилар?
9. Кийим конструкциялаш усулларини айтинг?
- 10.Кийим конструкциялашга оид юзалар ёйилмасини қуришнинг умумий принциплари қанақа?
- 11.Кийим деталларининг ёйилмаси нима?
- 12.Ёйиладиган юзаларга тавсиф беринг?
- 13.Ёйилмайдиган юзаларга тавсиф беринг?

Таянч иборалар:

Кийимнинг шакли, муҳим композицион элементлар,конструктив чизиқлар,декоратив чизиқлар, елкага оид кийимлар, белга оид кийимлар, яхлит бичилган енг,реглан бичимли енг, бир чокли енг, икки чокли енг, уч чокли енг, кокеткали кийимлар.кийим конструкциялаш усуллари, юзалар ёйилмаси,кийим деталларининг ёйилмаси,ёйиладиган юзалар,ёйилмайдиган юзаларга, чебишев тўри, геодезик ўқлар.

4-модуль. Кийимнинг конструкциялаш усулларининг умумий тавсифи МАЪРУЗА 11


Мавзу. Кийим лойиҳалашда конструктив параметрларни аниқлаш принциплари.

Режа:


- 1.График қуришнинг элементлари.
- 2.Лекалаларга хос эгри чизиқларни қуриш.
3. Кийимнинг туташган деталлари учун ўтиш чизиқлари шакли.

Кийимни конструкциялашда график қуришларнинг асосий элементлари қуидагилардан иборатdir: кийимни ва унинг алоҳида қисмларини габарит размерларини аниқловчи горизонтал ва вертикаль конструктив чизиқлардан иборат базис тўрини чизиш; чизманинг конструктив нуқталари жойини ёйлар ёрдамида аниқлаш; андазали эгри чизиқларни чизиш; лойиҳавий дискриминантлар ёрдамида иккинчи тартибли эгри чизиқларни чизиш; радиусография.

Елкага оид кийимларнинг деталлар ёйилмасининг габарит размерларини аниқловчи горизонтал ва вертикаль чизиқлар тўри 8.1-расмда кўрсатилган.




Белга оид кийимлар деталларининг ёйилмаси габаритларини аниқловчи вертикал ва горизонтал чизиқлар тўри 8.2-расмда кўрсатилган. Аёллар юбкаси ёйилмаси тўрининг горизонтал ва вертикал чизиқлари (8.2-расм,а) куйидагича номланган: 1-1- бел чизиги, 2-2-сон чизиги; 3-3- этак чизиги; I-I – орқа бўлак ўрта чизиги; II-II олд бўлак ўрта чизиги; III-III- ён чоки жойланиши чизиги. Шимнинг деталлари ёйилмасининг база тўрида горизонтал чизиқлари (8.2-расм,б) куйидагича номланадилар: 1-1- бел чизиги; 2-2- сон чизиги; 3-3- қадам (думба) чизиги; 5-5- шим этаги чизиги. Вертикал чизик факат бирта I-I- шимнинг олд ва орқа бўлакларининг ўрта (букланиш) чизиги.




8.2-расм. Белга оид кийимлар деталлари ёйилмасини аниқловчи горизонтал ва вертикаль чизиқларнинг базис тўри: а) - юбка; б) - шим.

Кийим деталларининг чизмасини куришда ёйлар белгиси билан конструктив нуқталар жойланишини аниқлаш усули кенг қўлланилади (8.3-расм) Масалан, орқа бўлакнинг елка нуқтасини жойланиши (8.3-расм,а) $P_1=A_2P$ ва $P_2=T_P$ радиусли ёйларнинг кесишиш нуқтасида аниқланади. Аёллар кийимида кўкрак учи нуқтаси Γ_6 ни эса (8.3-расм,б) $P_1=A_4\Gamma_6$ радиусли ёйнинг $P_2=\Gamma_r$ радиусли ёй устида белгиланади. Бу ерда Γ_r - кўкрак маркази. $\Gamma_7\Gamma_{71}$ виточка оғзини $R=\Gamma_6\Gamma_7$ радиусли ёйда белгилашади.



8.3-расм. Кийим деталлари ёйилмасида ёйлар ёрдамида билан конструктив нүқталарни аниқлаш схемаси: а-орқа бўлак елка нүқтаси; б-аёллар кийимида кўкрак учи нүқтасини ва олд бўлак юқори витачкакенглиги.



8.4-расм. Кийим деталлари чизмасини қуришда лекал әгри чизиқлар қуриш схемаси.

Лекал әгри чизиқлар күриш. Асосан конструкциялашнинг таҳминий усулларида қўлланилади. Кўпинча әгри чизиқни учта нуқта: бошланич, охирги ва бурчак биссектрисасида (масалан, орқа бўлак ёқа ўмизининг эгри чизиги $AA_{21}A_{210.4}$ -расм, а-да ва енг ўмизи эгри чизигининг пастки қисми $\Gamma_3\Gamma_2$ ва $\Gamma_2\Gamma_6$ (8.4-расм, б-да) жойлашган бирта ўрта нуқта орқали ўтказишади. Бундай әгри чизиқларни қуришнинг муайянлигини ошириш учун махсус лекалалардан фойдаланиш лозим.


Радиусография усулидан ҳам график элемент тариқасида фойдалананиш мумкин. Масалан, олд ва орқа бўлаклар ёқа ўмизларини чизишда (8.5-расм, а, б).

Олд бўлак ёқа ўмизини қуришда: $R_{np}=17-171=16-17+(0,5-1)$;


орқа бўлак $R_{np}=0,24O_{rop}(10.5\text{-расм},a)$; олд бўлак $R_{np}=0,19O_{rop}(10.5\text{-расм},b)$.

Орқа ва олд бўлаклар енг ўмизи қуришда (10.5-расм,в):

орқа бўлакда $R_c=0,6\bar{W}_{np}$; олд бўлак $R_n=0,4\bar{W}_{np}$; бу ерда \bar{W}_{np} - ўмиз кенглиги.



8.5-расм. Радиусография усули ёрдамида қурилган олд (б) ва орқа (а) бўлакларнинг ёқа ўмизлари, енг ўмизи (в).




8.6-расм. Дискриминантлар ёрдамида иккинчи даражали әгри чизиқлар қуриш схемаси.

Иккинчи даражали әгри чизиқларни график қуриш, аппроксимацияланадиган кийим деталлари контурларини лойиҳали дисскриминант әгри чизиқларни қўллаб қуриш. Лойиҳали дискриминант әгри чизиқ эгрилик даражасини характерлайди. У A_1A_2 қирқимга тегиб ўтадиган, $AA_2(f=A_1A_2/AA_2)$ медиана узунлигига нисбатан BC ёй ва ABC учбурчак медианасида қирқилган әгри

чилик кесишишгандан ҳосил бўлган бошланғич ва охирги нуқталар билан аниқланади (8.6-расм, а). Масалан, 8.6-расм, б –да енг ўмиз кесилган чизиги қуриш учун ($f_1 = f_4 = 0,5$ ва $f_2 = f_3 = 0,42$) лойихали дикриминантлар қўлланиланади.

Кийимнинг туташган деталлари учун ўтар чизиқлари шакли. Икки юза ёки юза билан текислик кесишигандан ҳолда ҳосил бўладиган контур чизиқлар туташган деталларнинг бирига **ўтар чизиқлари** деб аталади. Кийимда бўлиш чизиқлари ҳар хил юзалар чегараларидан ёки бир юзанинг бўртиқ ёки ботик жойларидан ўтиши мумкин (8.7-расм).



8.7-расм.Кийимнинг туташган деталлари учун ўтар чизиқлари шакли классификацияси.

Хар хил юзалар тутушган чизиқларнинг шакли бир-биридан фарқланади. Масалан, енг ўмизи билан енг қиямасининг шакли, ёқа ўмизи билан кўтармасининг шакли. Бу юзанинг бўртиқ ёки ботик жойидан ўтадиган ёнма-ён жойлашган деталлар кесишигандан контур чизиқлари шаклан бир-бирига ўхшаган бўлади. Масалан, олд ва орқа бўлакларнинг ён чизиқлари, олд ҳамда орқа бўлаклардаги бўртма чок чизиқлари, деталларнинг бўлиниш чизиқлари қоматнинг симметрия чизиқларидан ўтган ҳолда (масалан, орқа ўрта чизик бўйича) ушбу чизиқка нисбатан орқа чизиқнинг контурлари ҳам симметрик шаклга эгадир.

Деталларнинг шаклан ўхшашиб қирқимларини узунлиги бўйича бириктиришга камроқ вақт сарқланади. Турли шаклдаги қирқимлар эса деталларнинг кичик участкаларида учраса ҳам уларни кетма-кет бириктиришга кўпроқ вақт талаб қиласди.

Назорат саволлари:

1. Базис тўрига изоҳ беринг?
2. График қуришмаларнинг асосий элементлари нималардан иборат?
3. Белга оид кийимларнинг базис тўри қандай чизиқлардан иборат?
4. Елкага оид кийимларни базис тўри қандай чизиқлардан иборат?
5. Радиусография усулидан қаерда фойдаланилади?
6. Иккинчи даражали эгри чизиқларни график қандай қурилади?
7. Кийимнинг туташган деталлари учун ўтар чизиқлари нима?

Таянч иборалар:

База тўри, ўзаро кесишуви юзалар, конструктив нуқта, лекалали эгри чизиқлар, радиусография, иккинчи даражали эгри чизиқлар, лойихавий дискриминант.

МАЪРУЗА 9


Мавзу. Кийим деталларининг дастлабки чизмасини чизиш босқичлари.

Режа:

1. Умумий маълумотлар.
2. Ҳисоблаш-график конструкциялаш тизими.
3. Конструкциялашнинг ЦНИИШП услуби.

Кийим конструкциялашдан асосий мақсад – ясси материалдан муайян фазовий шаклни яратиш ёки бу масаланинг тескари ечими – эскизда, модел намунасида берилган кийим деталларининг ёйилмасини қуришдир. Кийим деталларининг ёйилмаси икки хил усул орқали олинади: кийимнинг тақрибий ёйилмасини таъминлайдиган усуллар ва кийимнинг аниқроқ ёйилмасини таъминлайдиган усуллар (тайёр намуна бўйича). Ҳозиргача кийим деталларининг аниқ ёйилмасини олиш имконияти йўқ. Кийимнинг умумий шакли ва унинг айрим элементлари конструкциялаш жараёнидагина аниқланади. Бу ҳолда кийим деталларининг аниқлиги бажарувчиларнинг маҳоратига боғлиқ. Демак, эскизда берилган кийим деталларининг ёйилмасини олиш усули тақрибийдир. Кийим конструкциясини ишлашда қўлланиладиган барча конструкциялаш услублари ва тизимлари тақрибий ёйилма усулларига киради. Факат тайёр кийимнинг намунасидан олинган ёйилма деталларнинг аниқ лойиҳасини таъминлайди. Тикувчилик саноатининг корхоналари кийим конструкциялашда асосан икки хил конструкциялаш тизимидан фойдаланишади: муляж тизими ва ҳисоблаш-графики усулнинг ҳар хил вариантлари. Муляж тизим мураккаб конструктив шаклларни ва моделларнинг айрим деталларини қуриш учун ишлатиди. Бу тизим бўйича деталлар конструкцияси газлама ёки қофозни одам қоматига ёки манекенга қадаш туқайли олинади, сўнгра қофозни текисликка ёзиб, деталлар контури чизилади ва чизиклар туташмаси текширилади. Деталлар конструкциясини одам фигурасида ёки манекенда игна (булавка) қадаш йўли билан олиш мумкин. Бунинг учун ижрочи - конструктор одам фигурасининг ўлчамларини олиши, берилган шаклга боғлиқ ҳолда тўқисликка бериладиган қўшимчалар танлаши ва буюмнинг узел ҳамда деталлари контуруни аниқлашга оид юксак амалий қўникмаларга эга бўлиши зарур. Қуйида лиф билан юбканинг қадалмаси кўриб чиқилади. Қадаш усули ёрдамида деталлар конструкциясини ишлаб чиқиша музайян тартиб кўзда тутилади. Қадаш ишларига манекен ва макет газламасини тайёрлаш, қадаш ишларини изчил – тартибли ўтказиш, деталлар конструкциясини ҳозирлаш лозим. Бу талабларни бажармасдан туриб, ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Манекенни қадалмага тайёрлаш. Манекенда асосий қадалма ориентир чизиклари мавжуд фигуранинг ўлчамлари, симметрик ва конструктив йўналишини аниқлаш мақсадида қуйидаги чизиклар бўйича тасма ўтказилади (3.48 - расм):



9.1 – расм. Манекенни қадалмага тайёрлаш

I – I – орт бўлак ўртаси (еттинчи умуртқа погона сатҳидан манекен тагигача);

II – II – олд бўлак ўртаси (ўмров нуқтасидан манекен тагигача);

III – бўйин чизиги (бўйин пояси);

IV – кўкрак чизиги (кўкракнинг туртиброқ чиққан нуқталаридан горизонтал бўйича кўкрак пояси);

V – бел чизиги (тананинг ёнларидан, энг ингичка жойидан горизонтал бўйича – бел пояси);

VI - бўксса чизиги (20 см бел чизигидан пастроқ, белга параллел тос пояси).

Ўмиз контурини аниқлаш учун қуйидаги ўлчамлар амалга оширилади:

-кўкрак кенглиги, (тахминан 10 см кўкрак чизигидан юқори ва унга параллел VII – VIII кесма Шг ўлчамга teng);

-орт бўлак кенглиги (тахминан 10 см кўкрак чизигидан юқори ва унга параллел, кесма VIII – VIII Шс ўлчамга teng);

-елка чок кесим – IX – IX' (бўйин асосидан елка нуқтасигача);

-ён чок кесим X' – X (ён чизиги бўйича елка чоки сатҳида пастки вертикал манекен тагигача);

-ёпик ўмизнинг вертикал диаметри IX' - X' (96-170,176 размерли манекен учун бу ўлчам тахминан 16 см га teng).

Эслатма: Агар лиф қадалмаси типавий фигурадан анча фарқ қилса, манекенда фигурага хос ўзгаришлар белгиланади.

Лиф қадалмаси, макетли газламани тайёрлаш. Лиf қадалмаси учун размерлари манекенга мос, лиf бўлиниш чизикларини ва эркинликка бериладиган қўшимчаларни ҳисобга олган тўртбурчакли газлама бўлаклари бичилади. Лиf ён чоклари, олд ва орт бўлаклардаги чоклари бўйича бўлакларга (олд бўлак ва орт бўлакларга) бўлиниши мумкин. Лиf яхлит бўлиши ҳам мумкин, яъни бир чокли – олдда ёки ортда. Лиf енг ўмизидан туширилган ён чоклар бўйича бўлиниши типик ҳисобланади.

Олд бўлак учун мўлжалланган газлама бўлагининг узунлиги: манекеннинг олд белгача узунлиги ўлчами + 8 см га, кенглиги: манекеннинг кўкрак чизиги бўйича олд бўлак ўртасидан ён чизигигача (ёки лифнинг бошқа бўлиниш чизигигача) ўлчами + 1 – 3 см эркинликка, 2 см чок ҳақи ва олд бўлак ўтар қисми учун 2 – 2,5 см миқдорларига teng. Орт бўлак учун газлама бўлаги юқоридагига ўхшаш бичилади. Бир чокли (олд ёки орт бўлакда) лиf қадалмаси учун мўлжалланган газлама бўлагининг эни кўкрак чизиги бўйича орт бўлак ўртасидан олд бўлак ўртасигача бўлган ўлчамга + 2 – 5 см эркинлик учун қўшимча, 2 см чок ҳақи ва 2 см олд ёки орт бўлак ўртасининг ўтар қисми миқдорига teng. Бир чокли қадалмада танда ипларининг йўналиши, лиf участкаларидан бирининг вертикалича йўналиш бурчак остида бўлиши мумкин.


Газлама бўлаклари қатъий равишда танда ва арқоқ иплари бўйича бичилади. Қадаладиган газлама бўлакларида танда ва арқоқ ипларининг қатъий йўналишини таъминлаш учун улар рангли ип билан чокланади.

Олд бўлак учун мўлжалланган газлама бўлагида танда ипи йўналиши бўйича чоклар ўтказилади: олд бўлак ўртасида – милкидан 2 – 2,5 см масофада; бу чокдан 10 см қочириб кўкрак учлари нуқтасидан арқоқ иплари йўналишида бел чизиги ва

кўқрак чизиги бўйича чоклар ўтказилади. Орт бўлакда, танда ипи йўналиши бўйича ўртасида – газлама милкидан 2 см масофада ва куракларнинг энг чиқсан нуқтасидан чизиқлар ўтказилади. Арқоқ иплари йўналиши бўйича чизиқлар олд бўлакнинг чизиқларига ўхшаш тарзда ўтказилади.

Қадалма, худди аёллар кўйлагини ўлчаб кўргандай (аёллар кийимида тақилма ўнгдан чапга жойлашган) ўнг томонда бажарилади. Макет - газламада танда иплари вертикал жойлаштирилади, арқоқ иплари эса – горизонтал. Газлама манекенга шундай қўйиладики, олд бўлак ўртасида ўтказилган ип манекен ўртаси билан устма – уст тушсин, кўқрак чизиги бўйича ўтказилган ип – манекен кўқрак чизиги билан ва тўғнағичлар аввал орт бўлак ўртасига, кейин кўқрак чизиги бўйича қадалсин (3.49, а - расм).

Олд бўлак қадалмаси қўидагича бажарилади: 1 тўғнағич бўйин чизигида, 2 – кўқрак чизигида, 3 – бел чизигида, 4 – олд ёқа ўмизининг тепасида (бундан аввал газлама бўйин чизиги бўйича қирқилади ва кертилади), 5 - кўқрак учи нуқтасида, 6 – тўғнағич 5 дан 10 смгача ўмиз тарафга қадалади, лекин шу билан бирга, танда ипи қатъий вертикал жойлашган бўлиши керак (ўмиз юқори қисмида – унга уринма), 7 – ён чокнинг тепасида. Шунингдек, бирга арқоқ или қатъий горизонтал жойлашган бўлиши керак, эркинликка бериладиган қўшимча миқдори 1 – 1,5 см (лекин моделга мувофиқ бошқача бўлиши ҳам мумкин).



9.2 – расм. Лиф қадалмаси: а, б – олд бўлак қадалмаси; в, г – орт бўлак қадалмаси

Газлама ўмиз бўйлаб кертилади ва елка тарафга олинади (9.2, б - расм). Қадалма натижасида ҳосил бўлган газламанинг ортиқчаси елка чизигидан витачкагача киритилади. У одатда ёқа ўмизининг тепасидан 4 – 5 см масофада бошланади, кўқрак нуқтасига йўналади ва унга 1,5 – 2 см етмайди. Витачка учта

тұғнағич билан мақкамланади (8, 9, 10). Кейин тұғнағич 11 билан ўмизга уринма чизигида, бел чизигида газлама мақкаланади. Бел чизиғидаги тұғнағичлар 3 ва 11 орасидаги газламанинг ортиқчаси витачка кенглигини аниқлади. Агар витачка унча катта бўлмаса (3 см гача), унинг ўртаси танда ипида жойлашиб, тепа витачканинг учи томон йўналади. Агар витачка кенглиги 3 см дан ошса, унинг ўртаси ён чок томон сурилади, демак, тепа витачканинг пастки қисми ён чок томон сурилади - тепа витачканинг пастки учига нисбатан ҳам сурилади. Витачка тұғнағичлар 12, 13 ва 14 билан мақкамланади.

Орт бўлак қадалмаси олд бўлак қадалмасига ўхшаш бажарилади (9.2, в - расм). Тұғнағич 1 орт бўлак ёқа ўмизида жойлашади, 2 - кўкрак чизигида, 3 – бел чизигида, 4 - ёқа ўмизининг тепасида (олдиндан газлама бўйича қирқилади ва кертилади), 5 - кўкрак чизигида ўмизга уринади. Кейин газламанинг ортиқчаси ўмиздан елка тарафга йиғилиб витачкага тахланади (9.2, г - расм). Витачка чизиги курак нуктасига йўналади. Тұғнағич 8 бел чизиғидаги ўмизга уринмада жойлашади, яъни танда ипи тұғнағичлар бўйича ўтади. 3 – 8 кесмадаги газламанинг ортиқча қисми витачка кенглигини аниқлади. Витачканинг ўртаси танда ипи бўйича жойлашади ва елка витачка учига йўналади. Витачка учта тұғнағич билан мақкамланади (9, 10 ва 11). Олд ва орт бўлаклардаги ортиқча газлама елка ва ён чок томонларда қирқилади, лекин чокларда 1,5 – 2 см қолдирилади.

Елка ва ён қирқимлари букланади ва олд бўлак устига букланган зихи манекен тасмаси бўйича жойлашадиган қилиб тұғналади. Манекен тасмаси бўйича қадалмада бўйин ва ўмиз чизиқлари белгиланади. Газламанинг ортиқчаси ўмизлар бўйлаб чокка 1,5 см қолдириб қирқиб ташланади.

Конструкцияни тайёрлаш. Лиф қадалмаси манекендан олинади. Олд ва орт бўлакнинг ён ва елка чоклари чизигидан иплар ўтказилади. Ён чок чизиқларига назорат белгилари қўйилади. Витачкалар устидан ҳам иплар ўтказилади. Тұғнағичлар лиф қадалмасидан олинади. Олд ва орт бўлаклар столда текисланади, ён ва елка чоклар контурлари, витачкалар, ёқа ва енг ўмизлари аниқланади. Ҳамма конструктив чизиқларнинг узил-кесил контурлари ип билан белгиланади, газламанинг ортиқчаси қирқиб ташланади, лекин қирқимлар бўйича чок ҳаки қолдирилади: 1,5 см ёнига, елкага ва ўмизига; 0,7 – 0,8 см ёқа ўмизига.

Лифнинг аниқланган деталларини қофоз устида текислаб кескич ёрдамида деталлар, назорат белгилари ва деталларнинг ўрта чизиқлари ўтказилади. Лиф деталларида танда ипининг йўналиш, деталлар ўртаси, бел чизиги ва лиф деталларини бирлаштиришда зарур бўлган назорат белгилари кўрсатилади. Конструкциянинг тўғрилиги деталлар контур чизиқларининг туташмаси орқали текширилади. Лифнинг асосий макети тикилиб, одам фигурасида ёки манекенда кузатилади.

Ҳисоблаш-график конструкциялаш тизими бўйича эзкизда берилган модел конструкцияси қомат ўлчамлари ва уларга мувофиқ қўшимчалар асосида тузилади. Ҳозирга қадар конструкциялашда хилма-хил “чизмали” усуллар мавжуд. Ишлатиладиган усуллар асосан ҳисоблаш формулалари таркиби ва графикили қуриш усуллари билан фарқланади. Ҳисоблаш формулаларининг асосланганлик даражаси ҳам ҳар хил.

Г.Л.Трухан ўтказган таҳлил барча ҳисоблаш формулаларининг уч хилга бўлиниши мумкинлигини кўрсатди.

Биринчи хил ҳисоблаш формулалари туркумига деталдаги айрим участканинг размери P , унга мувофиқ қоматнинг ўлчами M ва қўшимча P орқали аниқланадиган формула киради:

$$P = M + P.$$

Бу формула ёрдамида аниқланган конструктив участка размерининг аниқлиги кийим шакли ва силуэтига мос олинган тўқислик қўшимчаси қийматининг тўғри аниқлананишига боғлиқ.

Иккинчи хил ҳисоблаш формулалари туркумига деталдаги айрим участкалар размери P ва деталнинг бу участкаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ўлчам M' орқали аниқланадиган формуулалар киради:

$$P = aM' + bP + c,$$

Бунда a , b , c - қомат ўлчамлари ва деталдаги аниқланадиган участкаларнинг ўлчамлараро мўлжалланган боғланиш коэффициентлариdir.

Ушбу формула ёрдамида эришилган детал ўлчамларининг аниқлиги қомат ўлчамлари билан кийим деталлари размерлари орасидаги боғланишнинг амалда қанчалик тўғри топилганига боғлиқ. Бу боғланиш ўзгарувчан бўлиб, у муайян тана тузилишига ва муайян кийим моделларига таъалуқлидир.

Учинчи хил формула бўйича деталга хос айрим участкаларнинг ўлчами P чизмада деталнинг аввал аниқланган бошқа ўлчамлари P' орқали аниқланади:

$$P = aP' + b,$$

Биринчи ва иккинчи хил формуулаларга нисбатан бу хилдаги формуланинг аниқлиги камроқ. У бир томондан, аниқланадиган детал участкасининг ўлчами билан аввал аниқланган ўлчам орасидаги боғланиш тўғрилигига, иккинчи томондан, аввал аниқланган кесманинг аниқлигига боғлиқ.

Детал ўлчамларини аниқлашда асосан биринчи хил формуулалар қўлланадиган услуб енг мақбул ҳисобланади. Лекин кийим юзаси ёйилмасини қуриш мураккаб бўлганлиги туфайли, биринчи хил формуулалар ёрдамида фақат баъзи узунлик ва кенглик ўлчамларини аниқлашгагина эришиш мумкин. Конструкция тузишида қатор горизонтал ва вертикал чизиклар орасидаги масофалар биринчи хил формуулалар бўйича аниқланади.

Шундай қилиб, биринчи класс конструкциялаш услублари ёрдамида кийим деталларининг тақрибий чизмасини қуриш мумкин. Лекин янги моделлар конструкцияси албатта битта ёки қатор бирламчи дейиладиган намуналарда синаб кўрилади.

Саноатда кийимнинг тақрибий конструкциялаш усулларини мукаммаллаштириш устида тинимсиз тадқиқотлар олиб борилади.

1956 йилда ЦНИИШП моделлар уйларининг тажрибаси асосида эркаклар костюмини конструкциялаш типавий услубини ишлаб чиқди. Кейинчалик тақрибий услубини мукаммаллаштириш ишлари 1966-1970- йилларда ўтказилган оммавий антропометрик тадқиқотлар натижасида тузилган типизация асосида давом эттирилган, Бу ишлар сирасига 1960-1966-йилларда ЦНИИШП томонидан тузилган кийим конструкциялашнинг ягона услугуга киради. Бу услуг аввалгилардан қоматлар типларини эътиборга олганлиги билан ажралиб

туради. 1979-1980-йилларда аёллар ва эркаклар кийимини конструкциялашнинг ЦНИИШП услуби чиқди, кейинчалик, 1980-1986-йилларда қатор давлатлар кучи билан яратилган кийим конструкциялашнинг ягона услуби – ЕМКО саноатга татбиқ этилди. Кийим конструкциясининг дастлабки чизмаси олд ва орқа бўлаклар конструкциясини тузишдан бошланади. Енг ва ёқа конструкцияларининг сизмаси уларга мувофиқ участкаларнинг шакли ҳамда кийим размерига боғлаб қурилади. Олд ва орқа бўлаклар чизмаси битта варакда умумий горизонтал чизиқларда акс эттирилади. Кийим деталлари олд ва орқа ўтар чизиқларга нисбатан симметрик жойлашганилиги туфайли чизмада олд орқа бўлакларнинг фақат ярми қуридади.

Назорат саволлари:

1. Бугунги кунда кийимнинг янги моделларини яратишида конструкциялашнинг қандай усуллари қўлланилади?
2. Кийим деталларининг чизмасини чизиш босқичлари?
3. Биринчи хилга мансуб конструкциялаш усуллари қайси усуллардан иборат?
4. Муляж усули ҳақида асосий маълумотлар?
5. ЦНИИШП усулининг моҳияти?
6. ЦНИИШП усулининг устиворлиги ва камчиликлари?
7. Кийимни конструкциялашнинг ягона усули (ЕМКО СЕВ)нинг моҳияти?
8. Тахминий усулларнинг такомилланиши?

Таянч иборалар: Биринчи хилга мансуб конструкциялаш усули, муляж, ЦНИИШП, ЕМКО СЕВ.

МАЪРУЗА 10

Мавзу: База асоси тўрини чизиш. Юқори контур чизиқларини чизиш.

Буюмнинг баланси. Олд бўлак, енг ўмизи ва орқа бўлак чизиқларини чизиш.

Режа:

1. Дастлабки маълумотлар ва база тўри.
2. Юқори контур чизиқлар.
3. Орқа бўлакнинг юқори қирқимлари.
4. Буюмнинг баланси.
5. Олд бўлакнинг юқори қирқими.
6. Ёқа ўмизи чуқурлиги

Конструкция асосининг чизмасини қуришда гавда тузилиши, қоматнинг ўлчамлари, лойиҳаланаётган кийимнинг шакли, ҳажмийликни таъминловчи қўшимчалар, деталларнинг типавий конструкцияси, конструкциянинг ишлов беришга қулайлиги ва тайёрлашда кам меҳнат талаб қилиши ҳисобга олинади.

Конструктив участкаларда кийим тўқислиги ва шаклини ҳосил қилувчи қўшимчалар тизимини илк бор ЦНИИШП кийим конструкциялаш ягона услубида тавсия этилган : қўкракяrim айланасига - Π_r , бел ярим айланасига - Π_t , бўкса ярим айланасига - Π_b , орқа белгача узунликка - $\Pi_{d.t.c}$, енг ўмизи чуқурлигига - $\Pi_{c.pr}$, орқа бўлак ёқа ўмизи кенглигига - $\Pi_{w.g.c}$, ва баландлигига - $\Pi_{v.g.c}$, елка айланасига - $\Pi_{o.p}$ ва ҳ.к. Уларнинг аксарияти ҳозирги конструкциялаш усулларида қўлланилади. Тўқислик қўшимчаларидан ташқари қатор услублар газламанинг киришувчанликлиги (Π_{yc}) ва ишлов беришга технологик қўшимчаларини Π_{ur}


хисобга олган. ЦНИИШП услуги орқа ва олд бўлак кенгликлари учун қўшимчалар қийматини кийимнинг турига ва силуэтига, газламаларнинг хилига мувофиқ ҳолда маҳсус жадвалларда келтирган. Ўмиз кенглиги учун қўшимча қиймати енгнинг исталган кенглигига боғлаб аниқланади. Ушбу услугуб бўйича аввал конструкциянинг дастлабки ҳисоблари бажарилади, сўнгра чизилади.

Орқа ва олд бўлаклар чизмаси ҳар қандай услуб бўйича қуидаги кетма-кетликда бажарилади: чизмага хос базис тўрини қуриш, юқори контур чизиқларини, орқа чизиқни ҳамда олд ўрта чизиқни, ён ва этак чизиқларини қуриш ҳамда бел чизифидаги витачкаларни чўнтак чизиқлар жойланиши ва қирқма ён бўлак чизиқлари кўрсатилади.

Услубларнинг аксарияти чизма тўрини тўгри бурчак қуришдан бошланиши тавсия этади, яъни орқа бўлак ёка ўмизи асосининг горизонтал чизиги ва орқа бўлак ўрта вертикал чизиги I- I ўтказилади.10.1-расм.

Чизма түри бешта-еттита горизонтал ва түртта вертикал чизиқлардан иборат.

МТИЛП методикаси қўшимча иккита горизонтал чизиққа эга (10.1-расм,б): 2'-2'-енг ўмизи чуқурлиги; 2"-2"- қўлтиқ орқа бурчаги чуқурлиги чизиги.



10.1-расм. База түри чизмаси: а-эркаклар пиджаги, б-аёллар күйлаги.

1-1 ва 2-2 горизонтал чизиқлар орасидаги масофа турлича аниқланади. ЦНИИШП методикаси бүйича енг ўмиз чуқурлиги бел чизигига нисбатан аниқланади. **Орқа бўлак енг ўмизи чуқурлиги** (енг ўмизи баландлиги орқадан) бўйин нуқтасига нисбатан қуийдаги формула орқали аниқланади:

$\Delta G = 0,2 C_{\Gamma III} + 0,07 P + \Pi_{c,pr}$, ёки $\Delta G = B_{pr,3} + \Pi_{c,pr}$,

бунда-С_гIII,P,B_{пр.з} тана размер белгилари: күкрак учинчи ярим айланаси, бўй, енг ўмизи баландлиги орқадан. П_{с.пр-} енг ўмизга қўшимча (чукурликга).

Айрим ҳолларда $2''-2''$ - құлтиқ орқа бурчаги чуқурлиги чизиги биринчи, кейин $2'-2'$ - енг үмиси чуқурлиги аниқланади:

$$A3=B_{\text{pr.}3}; 3_1\Gamma_{11}=3_2\Gamma_{41}=\Pi_{c,\text{pr.}}$$

3-3 бел чизиги қуидаги формула билан аниқланади:

$$AT = \Delta_{T,C} + \Pi_{D,T,C},$$

бунда: $\Delta_{\text{т.с.}}$ - орқа белгача узунлик, кураклар чиққанлигини эътиборга олган ҳолда; $\Pi_{\Delta_{\text{т.с.}}}$ -кийим пакети қалинлигига қўшимча.

4-4 бўкса чизиги қуидаги формула билан аниқланади:

$$ТБ=0,5Д_{т.с.}+(0-2,5),$$

бунда: 0 см – аёллар кийими учун; 2,5- эркаклар кийими учун.

5-5 буюм этаги чизиғи құйидаги формула билан аниқланади:

$$Д_и=AH$$

$Д_и$ кийим узунлиги моделга ва тавсия этилган узунлик қараб белгиланади.

Кийим янги моделини ишлаб чиқарилаётганда (күйлак, палто) тизза чизигига нисбатан топилади.

$$AH=Д_{ш.к}\pm П_{д.и.}$$

бунда: $Д_{ш.к}$ - бўйин нуқтасидан тиззагача бўлган масофа; $П_{д.и.}$ - кийим узунлигига қўшимча кийим мўлжалланиши ва мода йўналиши инобатга олган ҳолда.

IV-IV- олд бўлак ўрта чизиги ўрнини аниқлаш 2-2 кўкрак чизиги ёки 1-1 орқа бўлак бўйин чизиги бўйича кўкрак чизиги бўйича кийим кенглиги катталиги қўйилади (10.1-расм, а,б):

$$ГГ_4=C_rIII+П_r \text{ ёки } Aa_1=C_rIII+П_r,$$

бунда: C_rIII - кўкрак учинчи ярим айланаси; $П_r$ - умумий (композицион) кўкрак учинчи ярим айланаси бўйича эркинлик қўшимчаси.

ЦНИИШП методикаси бўйича буюмнинг умумий кенглиги бел чизиги бўйича қўйилади.

Олд бўлаги тақилмали кийимларда IV-IV олд бўлак ўрта чизиги ўтар чизиги дейилади. Эркаклар кийимида(пиджак, палто) ўтар чизиги кўкрак чизиги $Г_4A_3$ дан юқорида жойлашган бўлади ва IV-IV вертикалдан енг ўмизи томонга силжиган бўлади (10.1-расм, а).

Орқа бўлак кенглигини аниқлайдиган II-II чизик жойлашуви қўйидаги формула билан топилади:

$$ГГ_2=Ш_c+П_{ш.с} \text{ ёки } Aa=Ш_c+П_{ш.с} + П_{ур.п.с},$$

бунда: $Ш_c$ – орқа бўлак кенглиги размер белгиси; $П_{ш.с}$ - орқа бўлак кенглигига қўшимча; $П_{ур.п.с}$ -орқа бўлак кенглиги бўйича киришишга қўшимчаси.

Олд бўлаккенглигини аниқлайдиган III-III чизик ўрни IV-IV чизик ўрнини нисбатан топилади:

эркаклар кийими учун методика бўйича

$$Г_3Г_4=Ш_r+П_{ш.п} \text{ ва } a_1a_2=Ш_r+(C_rII-C_rI)+П_{ш.п} + П_{ур.ш.п},$$


аёллар кийими учун методика бўйича

$$a_1a_2=Ш_r+0,8(C_rII-C_rI)+П_{ш.п},$$

ва

$$a_1a_2=Ш_{r.б}+П_{ш.п}=C_rIII-0,95(Ш_c+d_{п.з.р})+П_{ш.п},$$

бунда: $Ш_r$ – кўкрак кенглиги размер белгиси; $П_{ш.п}$ - олд бўлак кенглигига қўшимча кўкрак чизиги бўйича; аёллар кўкрак бўртмаси ва эркаклар кўкрак қафаси шакли ҳисобига олд бўлак кенглиги катталашининг фарқи (C_rII-C_rI); $Ш_{r.б}$ –кўкрак кенглигининг қўшимча размер белгиси, кўкрак безлари бўйича қўлтиқ олд томондан катта ёй; $d_{п.з.р}$ - олд орқа қўл диаметри размер белгиси; 0,95-кўкрак чизиги бўйича $d_{п.з.р}$ ва $Ш_c$ размер белгиларини кичрайишининг инобатга олидиган коэффициенти; $П_{ур.ш.п}$ -олд бўлак кенглиги бўйича киришишга қўшимчаси.



10.2-расм. Юқори контур чизиқлар чизилган олд ва орқа бўлак конструкция асоси чизмаси: а-эркалар пиджаги; б-аёллар енгил кийими.

Болалар кийимида ясли ёшидаги қиз ва ўғил болалар учун олд бўлак кенглиги қуидаги формула билан топилади:

$$a_1a_2 = \text{Ш}_\Gamma + \Pi_{ш.п} + \Pi_{ур.ш.п},$$

мактабгача ёшдаги, кичик, катта мактаб ёшидаги ва ўсмир ёшидаги ўғил болалар учун,

$$a_1a_2 = \text{Ш}_\Gamma + (\text{С}_\Gamma \text{II} - \text{С}_\Gamma \text{I}) + \Pi_{ур.ш.п}.$$

Мактабда ўқийдиган қиз болалар ва ўсмирлар қиз болаларучун олд бўлак кенглиги аёллар кийимида гидек топилади.

Юқори контур чизиқлар.

Кийим, одатда. Тананинг юқори қисмларига ёпишиб туради, шу боис деталларининг юқори қисми остки кийим пакетининг қалинлигини ҳисобга олган ҳолда ҳам шаклан, ҳам ўлчамлари бўйича танага мос бўлиши мақсадга мувофиқ.

Қўйилган мақсад иккита вазифа орқали амалга оширилади: ҳар бир контур чизиқнинг шаклини ва ўлчамларини аниқлаш ва бу чизиқларнинг базис тўрига оид дастлабки чизиқларга нисбатан жойланишини аниқлаш. Айни ҳолда орқа ва олд бўлаклар контури ўзаро тўғри жойланиши ҳам аҳамиятли масаладир. Юқори контур чизиқлари қурилган чизманинг кўриниши 12.2- расмда келтирилган.


Орқа бўлакнинг юқори чизиқлари. Орқа бўлак чизмаси ёқа ўмизидан бошланади(10.1-жадвал). Ёқа ўмизининг кенглиги бўйин ярим айланаси $C_{ш}$ орқали аниқланади. Ёқа ўмизининг баландлиги кенглигига нисбатан ёки бўйин асоси нуқтасининг белгача узунлиги $D_{m.c1}$ ва бўйин нуқтасининг белгача узунлиги $D_{m.c}$ ўлчамлар айримаси ёрдамида топилади.

10.1-жадвал

Орқа бўлак ёқа ўмизи кенглиги ва баландлигини аниқлаш.

Орқа бўлак ёқа ўмизи ўлчами	Конструкциялаш методикаси		
	ЦНИИШП (10.3-расм, а)	Ленинград (10.2-расм, а)	МТИЛП (10.2-расм, б)
Кенглик	$AA_1 = 1/3C_{ш} + \Pi_{ш.г.с}$	$A_1A_2 = 0,36C_{ш} + \Pi_{ш.г.с}$	$AA_1 = 1/3C_{ш} + \Pi_{ш.г.с}$
Баландлик	$A_1A_2 = 0,15C_{ш} + \Pi_{ш.г.с}$	$A_2A_3 = 0,25 A_1A_2$	$A_1A_2 = D_{т.с1} - D_{т.с}$

Кирқма орқа бўлак учун ёқа ўмизини қуришдан аввал ўрта чизиқнинг юқори нуқтаси ўнг томонга ва юқорига бироз сурилади (10.3-расм,а). Ўмиз асосининг ёрдамчи оғган чизиғи ўрта чизиқка перпендикуляр қурилади.



10.3-расм. Орқа бўлак елка қирқими ва ёқа ўмизи чизигини қуриш.

Орқа бўлак ёқа ўмизи шакли эллипснинг чорак қисмини эслатади.

Ленинград методикаси бўйича AA_2A_3 (10.3-расм, б) биссектриса бурчагида

$$A_2A_{20}=0,75 A_1A_2$$

ётадиган A_{22} нуқта лойиҳавий дискриминант (10.3-расм,в) ёрдамида топилади.

Орқа бўлак ёқа ўмизининг юқори нуқтаси бир вақтда елка чизигининг ҳам юқори нуқтасидир.

Е л к а ч и з и ф и. Елка чизигининг учи ҳар хил ўлчамлар ва усуллар орқали қурилади. Масалан, Ленинград методикасида орқа бўлак енг ўмизи чуқурлиги G_2P (10.2-расм,а) елка бўғинининг энг юқори чўққиси нуқтаси D_p (10.3-расм, г) размер белгисига боғлиқ:

$$G_2P=0,5D_p+P_1+P_2+P_{c.pr}+P_{yc},$$

бунда: P_1 — кийим ички қатлами қалинлигига қўшимча ҳақ; P_2 —елка прокладкаси қалинлигига қўшимча ҳақ; $P_{c.pr}$ —енг ўмизи кенглигига қўшимча ҳақ; P_{yc} —газлама киришишига қўшимча.

G_2P бўлак G_2 нуқтадан вертикал чизик бўйлаб юқорига қўйилади. P нуқтани орқа бўлак ёқа ўмизи чўққиси A_3 нуқта билан туташтирилади ва A_3P чизик бўйлаб орқа бўлак елка қирқими узунлиги қўйилади(10.2-расм,а):

$$A_3P=Ш_p-0,8P_{ш.g.c}+P_{pos}+0,3 \text{ см},$$

бунда: $Ш_p$ – елка қиялиги кенглиги; P_{pos} – орқа бўлак елка қирқими бўйича киришишига қўшимча ҳақ; $P_{ш.g.c}$ – орқа бўлак ёқа ўмизига қўшимча ҳақ.

Кўп холларда елка нуқтаси ўрнини топиш учун елка қиялиги $B_{p.k}$ размери ишлатилади. Бу учун орқа бўлак ёқа ўмизи чўққиси A_2 (10.2-расм,б) нуқтадан радиуси $Ш_p$ елка қиялиги кенглигига тенг ёй ўтказилади ва I-I вертикал чизик ва 3-3 чизик кесишган нуқтадаги Тдан $B_{p.k}$ га тенг радиусли ёй ўтказилади, бу ёйлар кесишган нуқта (P) елка нуқтаси ҳисобланади.

$$A_2P=Ш_p; T P=B_{p.k}$$

Бундай ҳисоблаш аёллар енгил кийимини конструкциялашда ишлатиш мумкин. Устки кийимларни конструкциялашда орқа бўлак ўрта чизиги четланиши ($T T_1=2,6-2,8$ см), орқа бўлак елка қирқимига киришиш ($P_{pos}=0,5-1$ см), ҳамда елкага тагликлар ва елка ёстиқчалар ($P_{p.o}=0,5$ см, $P_{p.h}=0,8$ см) ҳисобга олинади.

$$A_2P=Ш_p+P_{pos}; T_1P=B_{p.k}-1,5+P_{yp}+P_{p.o}+P_{p.h},$$

бунда -1,5 см - $B_{\text{п.к}}$ размер белгисига қўшимча; $\Pi_{\text{уп}}$ - газлама киришишига қўшимча ҳақ (газлама хусусиятига боғлиқ).

A_2 ва Π нуқталар тўғри чизиқ билан туташтирилади. Π елка нуқтаси орқа бўлак кенглигига қараб Π - Π вертикал чизиқдан чапда ва ўнгда жойлашган бўлиши мумкин. Елка қирқимининг охири P_2 ёки P_{21} нуқта(12.2-расм) куракларга ёпишиш учун орқа бўлак бўртмасини ҳосил қилгандан сўнг аниқланади.

Пиджак ёки пальто орқа бўллаги елка қирқимини ўртасида ботиқлиқ билан куриш тавсия қилинади. Б учун (10.3-расм,e) A_3 нуқтадан $A_3A_{30}=0,6-0,8$ см кесма қўйилади ва A_{30} нуқта Π нуқта билан тўғри чизиқ билан туташтирилади, кейин $A_{30}\Pi$ тўғри чизиққа уриниб P_{20} нуқтага теккизиб $A_3\Pi$ ботиқ қия чизиқ ўтказилади.

Орқа бўлак елқа қирқимида витачка. Куракларга ёпишиш учун орқа бўлак бўртмасини ҳосил қилиш турли воситалар ёрдамида лойиҳаланади: орқа бўлак ўрта қирқими бўйлаб киришиш, елка қирқими бўйича киришиш ёки елка қирқимида витачка билан. Кураклар бўртма чўққиси И-нуқта (10.2-расм,b) баландлик ва кенглик бўйича куйидаги формула ёрдамида топилади:

$$AY=0,3D_{\text{т.с}} \text{ ва } UI = \bar{C}_l,$$

бунда $D_{\text{т.с}}$ - орқани белгача узунлиги размер белгиси; \bar{C}_l - кураклари маркази орасидаги масофа. Ушбу размерлар ОСТ 17-325-74 ва ОСТ 17-326-74 да йўқлиги сабабли UI катталиги 0,4 \bar{C}_c га teng деб олиш мумкин(10.3-расм,d) ёки $UI=A_1A$ деб ҳам топиш мумкин(10.2-расм,b).

И нуқтасини марказ деб, 10-11 см га teng радиусда индикаторли айланада ёй чизилади. Типовой фигураналар учун кийимларда куракларни ёпишиш учун орқа бўлак бўртмасини ҳосил қиладиган виточкалар суммаси 1,5-3 смни ташкил қиласди.

Бу катталиклар типик фигура манекенларининг юзасининг ёйилмасини анализ қилиш билан аниқланади. Виточкалар очилишининг суммаси орқа бўлак ўрта чизигининг оғиши ва бел чизиги бўйича букилиш катталикларини ўз ичига олади. Виточкалар суммасининг қолган катталикларини индикаторли юза бўйича, яъни, елка қирқимида(0,5-1 см), енг ўмизида(0,3-0,4 см) ва орқа бўлак ёқа ўмизи асосининг кўтарилида A_1A_01 (10.3-расм,a) тақсимлаш тавсия қилинади.


Елка қирқими чизигида ҳосил бўлган очиқлик елка қирқими бўйича киришиш ёки юқори виточканинг очилиш катталигини аниқлаб беради. Виточканинг узунлиги унинг очилиш катталигидан 3-4 марта катта бўлиб 5-6 смдан кам бўлмаслиги керак.

Орқа бўлак елка қирқимининг ташки нуқтаси орқа бўлак енг ўмизининг чўққиси ҳисобланади.

Б у ю м б а л а н с и. [Олд](#) ва [орқа](#) бўлаклар чизмаси ўлчамлари бир - бири билан боғланган ҳолда умумий базис тўрида чизилади. Олд бўлак чизмаси одатда ёқа ўмизининг энг юқори A_4 нуқтасини орқа ёқа ўмизининг асоси - юқори горизонтал чизиққа, кўкрак горизонтал чизигига ва бел чизигига нисбатан аниқлашдан бошланади (10.4-расм). Тайёр кийим қоматда ўрнашганда орқа ва олд ёқа ўмизларнинг A_2 ва A_4 энг юқори нуқталари бўйин асоси антропометрик нуқтада бирлашади. Олд ёқа ўмизи юқори нуқтасининг сатҳи билан орқа ёқа ўмизи асосининг қисми сатҳларининг фарқини горизонтал чизиқли аниқлайдиган масофа **олд- орқа баланс** дейилади. Олд ёқа ўмизининг юқори нуқтаси орқа ёқа ўмизининг

горизонтал чизигига нисбатан баландроқ ёки пастроқ жойланиши мүмкін, яғни баланс манфий ёки мусбат ифодаланади.

Баланс қиймати қомат билан зич боғланган: кеккайган қоматлар учун баланс қиймати ошади, бүкчайган қоматлар учун эса кичраяди.



10.4 -

расм. Кийимнинг олд - орқа балансини аниқлаш схемаси:

а-эркаклар кийими; б-аёллар кийими.

Буюмнинг олд ҳамда орқа қисмлари унинг қоматга мос ўрнашганлиги орқали ва кийимнинг умумий мувозанати олд - орқа баланси орқали баҳоланади. Балансни турлича аниқлаш мүмкін. Бир [антропометрик нұктадан](#) бошлаб ўлчанадиган олд бўлак ёқа ўмизи чўққисини аниқлайдиган бўлак ($\Gamma_5 A_4$) ва орқабўлак енг ўмизи чуқурлиги (АГ) ўлчамлари айирмаси баланснинг қийматини энг осон аниқлаш йўлидир, яғни:

$$\delta = \Gamma_5 A_4 - A_G,$$

бу ерда *б*- олд - орқа баланси.

$\Gamma_5 A_4$ бўлакнинг катталиги қуйидаги формула орқали топилади

$$\Gamma_5 A_4 = 0,22C_r + 0,05P + 0,05C_t + \Pi_{c,pr},$$

бу ерда: C_r , P , ва C_t - тана размер белгилар; $\Pi_{c,pr}$ -енг ўмизига эркинлик қўшимчаси.

$\Gamma_5 A_4$ ва АГ катталиклар қийматларини олдинги формулалардан топсак қуйидаги формула келиб чиқади:

$$\delta = 0,025C_r \text{III} + 0,02P + 0,05C_t$$


Формулага қараганда, баланс қиймати кўпроқ даражада қомат размерига ва тўлалик гурухига боғлиқ, бўй эса унга таъсир кўрсатмайди.

Лекин амалда бўй ошган сари [комат](#) ҳам ўзгаради. Келтирилган формулада бу ҳолат ўз аксини топмаган.

Олд - орқа баланс қийматига ён чокларнинг ҳолати ҳам бошқа омиллар каби таъсир этиши мүмкін.

Олд бўлакнинг юқори қирқимлари. Эркаклар ва аёллар кийимида олд ёқа ўмизининг кенглиги орқа ёқа ўмизининг кенглигига teng олинади. Лекин қобиқлар ёйилмасининг таҳлили олд ёқа ўмизининг кенглиги орқа ёқа ўмизи кенглигидан кичикроқ бўлиши шартлигини кўрсатади.

Олд бўлак ёқа ўмизи қирқими чизигини унинг кенглик ва чуқурлигини топгандан кейин қурилади. Аёллар ва эркакла кийими олд бўлак ёқа ўмизи кенглиги орқа бўлак ёқа ўмизи кенглигига teng ёки бир мунча ундан катта қабул қилинади.



10.5-расм. Орқа ва олд бўлак ёқа ўмизининг кенгликлари ўзаро мослиги (*a,b,c*), олд бўлак ёқа ўмизи қирқимини қуриш МТИЛП методикаси бўйича(*d*), ЦНИИШП методикаси бўйича (*e*) ва эркаклар олд бўлаги елка қирқимини қуриш

Аслида бу эгри чизиқ шакли фигура таянч юзасини ёйилмаси шаклидан анча фарқ қиласди (расм.10.5,б). Агар фигура таянч юзаси қобигини елка қирқимлари чизиқлари билан қурадиган бўлсак орқа бўлак ёқа ўмизи чўққиси A_2 ва олд бўлак ёқа ўмизи чўққиси A_4 бир-бирига нисбатан силжийди (расм-10.5.в) чунки орқа бўлак елка қирқими $A_2 \Pi_2$ ва олд бўлак елка қирқими $A_4 \Pi_{51}$ фигура таянч юзасига симметрик эмас. Фигура макети юзаси ёйилмаси анализи назарий асосланган ва амалиётда текширилганда олд бўлак ёқа ўмизи енглиги аёллар кийимида типовой фигураналар учун орқа бўлак ёқа ўмизи кенглигидан кам бўлмаслиги керак (расм-10.6,б).

$$A_3A_4=AA_1=0,8 \text{ см.}$$

Олд бўлак ёқа ўмизи чуқурлиги кийим тури ва модага боғлик ҳолда аниқланади. Одатда у топилган ёқа ўмизи кенглиги A_4A_5 (расм -10.6,а)ёки A_3A_4 (расм-10.6,б)га қараб топилади.

$A_5A_6=A_4A_5=2,5$ см (расм- 10.6, г) ёки $A_3A_5=A_3A_5+\Pi_{e.g}$ (рамс- 10.6 д), бу ерда 2,5-ёқа ўмизи чизифида лацкан юқори чуқурлигига қўшимча; $\Pi_{e.g}$ -олд бўлак ёқа ўмизи чуқурлигига қўшимча.

АЙРИМ ҲОЛЛАРДА ОЛД БЎЛАК ЁҚА ўмизи чуқурлиги чизифини чизишда бўйин яrim айланаси ўлчами инобатга олинади.(РАСМ 13.2,Е).

$$A_4A_5=0,5C_{\text{ш.}}$$

Ёқа ўмизи қирқимини қуришда турли график усуллар қўлланилади, циркул ёки лекал линейкалар.

МАСАЛАН ЭРКАКЛАР ПИДЖАГИ ОЛД БЎЛАГИ ЁҚА ўмизи қирқимини қуришни кўриб чиқамиз. ЦНИИШП МЕТОДИГА АСОСЛАНИБ ёрдамчи нуқталар A_7 ва A_8 (РАСМ-13.2,Г) АНИҚЛАНАДИ. $0,3C_{\text{ш}}-1$ га ТЕНГ A_4A_7 КЕСМА A_4 нуқтадан вертикал бўйича қўйилади, кейин A_7 нуқта A_6 билан ёрдамчи чизик туташтирилади. $A_4A_7A_6$ бурчак биссектрисасининг A_4A_5 чизифи билан туташган жойига A_{50} нуқта қўйилади. A_{50} нуқтадан $A_{50}A_4$ га тенг радиусда ёй ўтказилади ва A_7A_{50} чизик билан туташган жойига A_8 нуқта қўйилади. Олд бўлак ёқа ўмизи чизифи A_4 , A_8

ВА A_6 НУҚТАГА ТЕГИБ A_7A_6 ТҮФРИ ЧИЗИҚ БҮЙЛАБ ЛЕКАЛ ЛИНЕЙКАЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИ.

ЦНИИШП МЕТОДИ БҮЙИЧА ЁҚА ЎМИЗИННИГ КЕНГЛИГИ ВА ЧУҚУРЛИГИНИ АНИҚЛАБ БЕРУВЧИ A_3 ВА A_5 НУҚТАЛАРДАН A_4A_5 ГА ТЕНГ РАДИУСЛИ ЁЙ ЎТКАЗИЛАДИ ВА ШУ РАДИУС БҮЙИЧА ЦИРКУЛ БИЛАН A_4A_5 (РАСМ-13.2,Е)ЁҚА ЎМИЗИ ЧИЗИҒИНИ БЕЛГИЛАЙМИЗ. БУ УСУЛ ЁҚА ЎМИЗИ ЧИЗИҒИ КИЙИМ ТУРИ, МОДА ГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ТИПОВОЙ ШАҚЛНИ ТОПИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

БОШКА МЕТОДЛАРДА ҲАМ ХУДДУ ШУНДАЙ ЁҚА ЎМИЗИ ТОПИЛАДИ (РАСМ 13.2,Д). ЁҚА ЎМИЗИ ЧҮҚҚИСИ БИРВАҚТНИНГ ЎЗИДА ЕЛКА ҚИРҚИМИ ЧҮҚҚИСИ ҲАМ ҲИСОБЛАНАДИ.

ОЛД БҮЛАК ЕЛКА ҚИРҚИМИ ЧИЗИҒИ. ОЛД БҮЛАК ЕЛКА ЧИЗИҒИ ОРҚА БҮЛАК ЕЛКА ЧИЗИҒИНИ ҚУРИБ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ БУЛИШИ КЕРАК. ОЛД БҮЛАК ЕЛКА ҚИРҚИМИНИНГ ЭГРИЛИК БУРЧАГИ ОРҚА БҮЛАК ЕЛКА ҚИРҚИМИ ЖОЙЛАШИШИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ОДДИЙ ГРАФИК ҚУРИШЛАР АСОСИДА ЧИЗИЛАДИ. МАСАЛАН, ЛЕНИНГРАД МЕТОДИКАСИГА ҚАРАГАНДА ОЛД БҮЛАК ЕНГ ЎМИЗИ ЧУҚУРЛИГИ Γ_3P_3 (РАСМ -12.2,А), ОРҚА БҮЛАК ЕНГ ЎМИЗИ ЧУҚУРЛИГИ Γ_2P ГА ТЕНГ. A_4 ВА P_3 НУҚТАЛАР ТҮФРИ ЧИЗИҚ БИЛАН ТУТАШТИРИЛАДИ ВА УНГА ЕЛКА УЗУНЛИГИ ҚЎЙИЛАДИ A_4P_4 , ЕЛКА ҚИЯЛИГИ КЕНГЛИГИ $Ш_r$ ГА ТЕНГ.

ОЛД БҮЛАК ЕНГ ЎМИЗИ ЧУҚУРЛИГИ (РАСМ-12.2,Б) ҚУЙИДАГИ МЕТОД БҮЙИЧА АНИҚЛАНАДИ ВА ОРҚА БҮЛАК ЕНГ ЎМИЗИ ЧУҚУРЛИГИГА БОҒЛИҚ БҮЛАДИ.

$\Gamma_4P_4 = \Gamma_1P_2 - 1 \text{ см.}$


ЦНИИШП МЕДОДИ БҮЙИЧА ОЛД БҮЛАК ЕЛКА НУҚТАСИ P_4 ЭРКАКЛАР КИЙИМИ ЧИЗМАСИДА БЕЛ ЧИЗИҒИ 3-3 ГА НИСБАТАН ЁЙЛАР КЕСИШГАН НУҚТА БИЛАН АНИҚЛАНАДИ.

$$R_{1n} = T_{04}, P_4, \text{ и } R_{2n} = A_3P_4 (\text{см. рис. 13.2,е}).$$

$$\begin{aligned} T_{04}P_4 &= B_{\text{п.к.п}} + 1,5 + P_{\text{yp}} + P_{\text{н.с}} + P_{\text{т.п.н}} \\ A_4P_5 &= Ш_n, \end{aligned}$$

БУ ЕРДАВ_{п.к.п-} ЕЛКА ҚИЯЛИГИ БАЛАНДЛИГИ ОЛД ТОМОНДАН, ОРҚА ТОМОНДАН ЕЛКА ҚИЯЛИГИГА ТЕНГ; 1,5 СМ- ЕЛКА ЧОКИНИНГ ОРҚАГА СИЛЖИШИГА ҚЎШИМЧА; P_{yp} -ОЛД БҮЛАК КИРИШИШИГА ҚЎШИМЧА; $P_{\text{н.с}}$ - КИЙИМИЧКИ ҚАВАТЛАРИҚАЛИНЛИГИГА ҚЎШИМЧА; $P_{\text{т.п.н}}$ -ЕЛКА ЁСТИҚЧАЛАРИГА ҚЎШИМЧА; $Ш_n$ -ЕЛКА ҚИЯЛИГИ КЕНГЛИГИ.

P_4 ВА A_3 ЧИЗИҚЛАРИНИ ТУТАШТИРИБ ОЛД БҮЛАК ЕЛКА ҚИРҚИМИНИ ҲОСИЛ ҚИЛАМИЗ.



Расм-10.6. Аёллар кийими олд бүлак юқори витачкаларини қуриш. МТИЛП (а) ва ЦНИИШП (б)

Юқори витачка. Аёллар кийими олд бүлак кўкрак қисмида бўртиқ шакл ҳосил

қилиш учун юқори витачка лойихаланади. Витачкада олд бўлак юқори қисмидаги газлама ортиқлари олинади.

Юқори витачканинг ички учи витачка кенглиги маркази дейилади ва қўкрак униқтаси Γ_6 га мос келиши керак, у фигуранинг иккита катталиги билан аниқланиади: қўкрак баландлиги B_r ва қўкрак маркази Γ_r . Виточка марказини топиш учун 2-2 қўкрак чизиги бўйича (расм-10.6,а) IV—IVвертикалдан $\Gamma_2\Gamma_6 = \Gamma_e + P_m$ кесма қўйилади, бу ерда P_m - модага қўшимча. Ҳозирги пайтда бу қўшимча 0,5-1 см деб олинган.


МТИЛП методикаси бўйича агар қўкрак чизиги қўкрак учлари сатҳи билан баравар бўлса Γ_6 нуқта витачка маркази ҳисобланади. Агар база чизик деб бел чизиги олинса витачка чуқурлиги олд бўлак бел чизиги T_4 нуқтага нисбатан аниқланаади(расм-13.3,б):

$$T_4\Gamma = D_{m.p} - B_e + P_{n.c}; \quad \Gamma\Gamma_1 = \Gamma_e,$$

бу ерда $P_{n.c}$ - кийим ички қаватлари қалинлигини қўшимча(кўйлак ва жакет учун $P_{n.c} = 0$, пальто учун $P_{n.c} = 1$ см).

Витачканинг ташқи учлари елка қирқимида ёқа ўмизидан 3,5-4 см пастроқда жойлаштирилади. Шунда витачка томонларининг бири тандада или йўналиши бўйича ётса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ў м и з ч и з и ф и. Ўмизнинг тўғри жойланиши, унинг ўлчамлари ва шакли бутун конструкциянинг сифатидан далолат беради.



Расм-10.7. Енг ўмизини қуриш чизмаси.

Ўтқазма енгли кийимда енг чизиги қўллар тана билан бирлашган чегарада жойлашади, тайёр кийимда эса эллипссимон эгри чизиқли шаклни эслатади (10.7 - расм, а). Қўлтиқ остидаги ўмиз чизиги қўл контуридан пастроққа ўтади, ҳосил бўлган бўшлиқ қўлларнинг bemalol ҳаракатини ва остки кийимлар қаватларининг bemalol кийилишини таъминлайди.

Ўмиз чизмасини қуриш мақсадида қатор таянч нуқталар танланади. $P_1(P_{21})$ ва $P_4(P_5)$ нуқталар олд ва орқа бўлаклар кенглигини чегаралайдиган II-II ва III-III вертикалларда жойлашади. Улар енг ўмизга ўрнатилганда назорат - кертилмлар ролини ҳам бажаради (олд ва орқа кертилмлар). Олд бўлак ўмизнинг пастки қисмини чизища вертикал III-III горизонтал чизиғида ва 2'-2' чизиқдан 5-6 см юқорида жойлашган P_6 учинчи таянч нуқта ёрдам беради(расм-10.7,а,б,в).

Бу нуқтанинг ҳолати ўмиз кенглигига боғлиқ. Ўмиз қуий қисми енг ўмизи чуқурлигига тегиб ўтади. Кесишиш нуқтаси Γ_2 ўмиз кенглигининг ўртасида ёки ўртадан олдинга сал силжиган бўлади($\Gamma_5\Gamma_2 = 0,55\Gamma_5\Gamma_8 + 1$ см).

Үмиз контурининг остки қисми радиусография усули ёрдамида аникроқ чиқади (ЕМКО) (10.7 - расм, в).

Назорат саволлари:

1. Базис тўри қандай қурилади?
2. Горизонтал чизиқлар ўрни қандай аниқланади?
3. Бел чизиги қандай аниқланади?
4. Орқа бўлак кенглигини қандай чизик аниқлаб беради?
5. Орқа бўлак ёқа ўмизи қандай қурилади?
6. Орқа бўлак елка қирқими қандай хисобланади?
7. Орқа бўлак юқори виточкалари қандай топилади?
8. Буюмнинг баланси нима ?
9. Олд бўлакнинг юқори қирқими қандай қурилади?
10. Ёқа ўмизи чуқурлиги қандай қурилади?

Таянч иборалар:

Базис тўрини қуриш, горизонтал чизиқлар, бел чизиги, бўкса чизиги, этак чизиги, орқа бўлак кенглиги, орқа бўлак ёқа ўмизи, орқа бўлак елка қирқими.

МАЪРУЗА 11



Мавзу. Олд бўлак ва орқа бўлак ўрта чизиқларини чизиш.

Режа:

1. Олд бўлак ўрта чизиги.
2. Орқа бўлак ўрта чизиги.
3. Ён чоклар чизиги.

Олд ўтар чизиқ ва орқа ўрта чизиги. *Олд ўтар чизиги* - тайёр кийимда тананинг олд томонидаги симметриячизигининг вертикал текисликка проекциясидир. Яхлит бичилган ёки қирқма олдли аёллар кийимининг чизмасида ўтар чизик дастлабки вертикал билан устма - уст тушади.

Эркаклар уст кийимлари конструкциясига хос ўтар чизигининг шакли хилма-хилдир. У чизма қуриш учун керакли дастлабки шартлар, борт чизиги бўйлаб мўлжалланган намлаб - иситиб дазмоллаб киришириш ҳақи, қоматнинг размер - бўй ва тўлалик гурӯхи каби омиллар таъсирида шаклан фарқланади (11.1 - расм).



11.1 - расм. Эркаклар кийимининг олд ўтар чизигини қуриш.

Эркаклар уст кийимларининг кўкрак соҳасидаги ҳажмийликни шакллантириш учун витачка ўрнига борт бўйлаб намлаб - иситиб киришириб дазмоллаш қўлланади. Конструкцияда киришириш бурчаги витачка кенглигига тенгdir. Эркаклар қоматига кўкрак қисми қияли бўлиши хос. Шунинг учун кийимни бенуқсон ўрнатиш мақсадида конструкцияда олд ўтар чизик вертикалдан [енг](#) томонга бироз оғишган ҳолда ўтказилади.

Олд ўтар чизикнинг оғишини график усулда бажарса ҳам бўлади (11.1, а - расм). Бу учун олд бўлак ёқа ўмизи юқори чўққиси A_4 нуқта ўрни топилади ва бу нуқтадан ёқа ўмизи кенглиги A_4A_5 қўйилади ва A_5 нуқта Γ_4 билан туташтирилади. $A_5\Gamma_4$ кесма олд ўтар чизиги ҳисобланади. ЦНИИШП методи бўйича мураккаб ҳисоблаш ва график усул қўлланилади (11.1-расм,а). Бу учун олд ўтар чизигининг бел чизиги бўйича пастга оғишини ҳисоблаймиз:

$$T_{04}T_4 = (T_{04}T_3 - \Gamma_r)\Delta / (B_{c.t} - B_{l.t}); \quad (170-100-88 \text{ типовой гурух учун } T_{04}T_4 = 1,5 \text{ см}),$$

бу ерда $T_{04}T_4$ - олд бўлакнинг бел чизиги бўйича кенглиги; Γ_r -кўкрак учлари ўртасидаги масофа; $B_{c.t}$ - кўкрак учлари нуқтаси баландлиги; $B_{l.t}$ -бел чизиги баландлиги; Δ -тананинг олд контури қиялигини ҳисобга оловчи ўзгарувчи.

$$\Delta = (d_{n.z.t} + \Gamma_t 1 - d_{n.z.r}) / 2 \quad (170-100-88 \text{ типовой гурух учун } \Delta = 1,9 \text{ см}),$$

бу ерда $d_{\text{п.з.т}}$ -бел олдорқа диаметри; Γ_1 -бел биринчи чуқурлиги; $d_{\text{п.з.г}}$ -күкрап олдорқа диаметри(14.1-расм,б).

Кейин күкрап нұқтаси ўрни топилади(11.1-расм,а).

$T_4\Gamma = D_{\text{т.п}} - B_\Gamma$; $\Gamma\Gamma_1 = \Gamma_r$,

бу ерда $D_{\text{т.п}}$ -бел узунлиги олд томондан; B_Γ -күкрап баландлиги.

Γ_1 нұқтадан вертикал чизик туширилади ва T_4 нұқта билан горизонтал чизикда туташтирилади. Горизонтал чизик билан туташган нұқта T_6 дейилади ва у T_5 нұқта билан туташтирилади, бу чизик олд бўлак бел чизикда ён бўлак қирқимини белгилаб беради.

Кўкрап чизиги бўйлаб қисилиш бурчагини қуриш. Бунда Γ_1 нұқтадан T_5T_6 чизикқа паралел III-III вертикалгача тўғри чизик ўтказилади. Γ_6 ва Γ нұқталар ёрдамчи чизик билан туташтирилади. Γ_1 нұқтадан перпендикуляр туширилади($\Gamma_1\Gamma_2 \perp \Gamma_6\Gamma$).Олд ўтар чизиги йўналишини аниқлаш учун Γ нұқтадан юқорига вертикал бўйича $\Gamma\Gamma_4$ кесма қўйилади.

$$\Gamma\Gamma_4 = \Gamma_1\Gamma_2 + \Pi_{\text{уп}},$$


бу ерда $\Pi_{\text{уп}}$ -борт қирқимига қўшимча.

Γ_1 ва Γ_4 тўғри чизик билан туташтирилади. $\Gamma_4\Gamma_1\Gamma$ бурчак- қисилиш бурчаги ва унинг қиймати одам фигураси олд контурига боғлиқ. Γ_4 нұқтадан $\Gamma_1\Gamma_4$ чизикқа перпендикуляр юқорига чизик чизилади.Катта размердаги кийимларда олд бўлак ўтар чизиги Γ_4 ва T_{41} чизикдан ўтказилади(11.1-расм,в).

Олд ўтар чизикни қургандан сўнг олд бўлак ёқа ўмизи юқори нұқтасининг ўрни топилади яъни A_3 (11.1-расм,г).

О р қ а ў р т а ч и з и ф и н и н г шакли лойиҳаланаётган кийимнинг тури, бичими ва ўрта чок мавжудлигига боғлиқ.

Яхлит бичилган орқа бўлак чизмасида орқа ўрта чизик ҳар доим тўғри чизикдир, чунки бичилганда у танда ипининг йўналиши билан устма - уст туширилади. Эркаклар сорочкалари, аёллар ва болалар кўйлакларининг чизмаларида яхлит бичилган орқа бўлак чизиги дастлабки чизма вертикали I-I билан устма - уст тушиши мумкин (11.2, а - расм).



11.2 - расм. Орқа ўрта чизигини қуриш: а - яхлит орқа бўлак; б - уст кийимлар яхлит орқа бўлаги; в - ним ёпишган силуэтли буюмларнинг қирқма орқа бўлаги; г - ёпишган ва ним ёпишган силуэтли буюмларнинг қирқма орқа бўлаги

Уст кийимлар чизмасида яхлит бичилган орқа бўлак ўрта чизиги ҳам тўғри чизиқдир, лекин орқа бўлакни узайтириш ва қуракларда қулайроқ ўрнашувини таъминлаш мақсадида вертикальдан оғдириб ўтказилади (114.2, б - расм). Оғишган орқа ўрта чизик орқани узайтириб, кийимни қуракларга яхши ўрнаштиради.

Бел чизигидаги оғиш қиймати бел чуқурлиги биринчи ўлчамнинг 0,25 дан 0,5 гача кўпайтмасига тенг олинади.

Яхлит бичилган орқа бўлакда бел чизигидан ўрта чизиқнинг қиялиги аёллар кийимида 0,75 см дан 1 см гача, эркаклар кийимида эса 1,5 см дан 2,5 см гача, чунки аёллар қомат сида думба кўпроқ бўртиб чиқкан.

Ўрта чокли орқа бўлакда ўрта чизик бел чизигида эгилтириб, тепа қисмида эса оғдириб ўтказилади (11.2, в, г - расмлар). Ўрта чокнинг бундай конструкцияси қурак, бел ва бўксада кийимнинг ихчам ўрнашувини таъминлайди. Орқа ўрта чизигининг мазкур конструкциясини қуриш учун даставвал бўйин нуқтасидан қураклар чизигигача бўлган масофа ҳисобга олинган ҳолда қиялик бошланиш нуқтаси аниқланади. Кейин бел чизигидаги қиялик қиймати аниқланади.

Орқа ўрта чизиқнинг хилидан, кийимнинг силуэтидан қатъий назар, орқа ўрта чизик қия жойлашганда бел, бўкса ва этак чизиқлари чизмада (T_1 , B_1 ва H_1 нуқталарда) ўрта чизиқка ҳар доим тўғри бурчак остида жойлашади. Силуэти ёпишиб ёки ним ёпишиб турадиган буюмларда бел чизиги ўрта чизиқнинг белдан пастроқ қисми билан тўғри бурчак ташкил этади.

Назорат учун саволлар.

1. Олд ўтар чизик ва орқа ўрта чизиги қандай чизилади?
2. Олд ўтар чизиги қандай чизилади?
3. Орқа ўрта чизиги қандай чизилади?

Таянч иборалар: [Олд](#)ўтар чизик,[орқа](#) ўрта чизиги, ён чизиқлар, бел чизик, этак чизик, ён чўнтақ чизиги, олд бел чизифидаги витачкалар

МАЪРУЗА 12

Мавзу. Ён чоклар чизиги, буюмнинг бел ва этак чизиқларини чизиш.

Режа:

1. Ён чоклар, бел чизиги.
2. Ён чўнтақ қирқими чизиги, виточкалар чизиги.
3. Этак чизиги.


Ён чизиклар. Ён чоклар шакли ва жойланиши гавда тузилишига, кийим турига, силуэтига, [модел](#) хусусиятларига, бичимиға, бел чизифидаги витачкаларга кўра ўзгариб туради.

Ён чоклар ҳолати уларнинг юқори нуқтаси ўмиз чизигида жойланишига боғлиқ. Лекин тайёр ҳолда ён чоклар тананинг ён томонида жойлашган бўлиб, вертикал кўринишга эга бўлиши керак.

Тўғри силуэтли эркаклар ва аёллар уст кийимларида ён чокларнинг юқори нуқтаси орқа енг ўмизининг вертикалидан ўмиз ўртаси томонга яқинроқ (2 - 5 см масофада) жойлаштирилади.

Ёпишган ва ним ёпишган силуэтли уст кийимларда (пиджак, жакет, пальто) ён чокларининг юқори нуқтаси орқа енг ўмизи вертикалидан куйидаги масофаларда жойлаштирилади: пиджакда - 0,5-1,5 см (12, а - расм), эркаклар пальтосида - 1-3 см, аёллар пальтосида - 4-5 см (12.1, б - расм). Бу кийимларда чок орқа томондан кўриниб, нафақат конструктив, балки қоматни келишганроқ кўрсатиб, декоратив роль ҳам бажаради.

Аёллар кўйлагининг конструкциясини тузишда силуэтидан қатъий назар, ён чоклар юқори нуқтаси орқа вертикалдан ўмиз кенглигининг 0,3 дан 0,5 гача кўпайтмасига teng масофада жойланиши мумкин.




12.1 - расм. ЦИИНШП услуби бўйича чизмада ён, бел, этак чизикларини, витачкаларни ва ён чўнтаклар чизикларини қуриш:

а – пиџакда; б – аёллар пальтосида

Ён чоклар шакли асосан силуэтга боғлиқ: тўғри силуэтли кийимда чоклар шакли ҳам тўғри чизик, ним ёпишиб ёки ёпишиб турадиган силуэтларда чокларнинг шакли маълум даражада қомат контурини такрорлайдиган эгри чизиклардир. Тўғри қурилган ён чоклар конструкцияси кийимнинг қоматда тўғри ўрнашувига ёрдам беради. Ён чоклар бириктирилгандан сўнг тайёр кийимда кўкрак, бел, бўкса чизиклари ҳамда орқа ва олд бўлакларнинг этак чизиклари ён чоклар бўйлаб туташиб горизонтал текисликларда жойлашади. Ён чоклар муайян қоидаларга биноан қурилади. Чизмада орқа ва олд бўлаклар ён чизикларининг жойланиши уларнинг тайёр кийимда жойланишидан фарқланади. Шу боис уларнинг тўғри шакли ва жойланиши моделнинг дастлабки намуналарини тайёрлаш жараёнида аниқланади.

Ён чоклар орқа бўлакдан бошлаб қурилади. Тўғри силуэтли кийимларда ён чок орқа ўрта чизикка параллел қурилади ёки этак чизиги кўкрак чизигининг кенглигига нисбатан 0,5 см дан 1 см гача кенгайтирилади.

Бел ва этак чизиклари. Орқа бўлакнинг бел ва этак чизиклари ҳар доим ўрта чизикка перпендикуляр ўтказилади. Этаги кенгайтирилган буюмларда равон эгри этак чизиги ўрта ва ён чизикларга тўғри бурчак остида қурилади. Олд бўлак бел чизигининг орқа бел чизигига нисбатан жойланиши қоматнинг тузилишига боғлиқ (қоматга, кўкрак ва қорин шаклига ва ҳ.к.).



12.2 - расм. ЕМКО бўйича витачкалар, ён чизиклар ва этак чизигини қуриш

Эркаклар кийимида типавий қоматлар кийимининг мувозанатини сақлаш мақсадида олд бел чизиги орқага нисбатан $T_{04}T_4$ масофага туширилади ва $T_5T_6T_4$ синик эгри чизик шаклида ўтказилади (12.1, а - расм). Аёллар кийимида агар бел чизиги дастлабки горизонтал сифатида қабул қилинса олддабел чизиги пасайтирилмайди (12.1, б - расм).

Олд этак чизигини қуришдан аввал ён чизиқнинг пастки нұқтаси ва олд ўтар чизик бўйлаб олд бўлак узунлиги аниқланади. Олд этак чизиги ўрта чизиқда орқа этак чизигига нисбатан 1,5 - 2,5 см пастроқ туширилади. Бундан аник ифодаланган иирик катак расмли материаллар асосида тайёрланган кийимлар истиснодир, чунки уларда олд этак чизиги орқага ўхшаш йўналган бўлади, яъни арқоқ или йўналишида. Ён ва ўрта чизиқларнинг пастки нұқталари ёрдамчи тўғри чизик орқали бирлаштирилади ва этак чизиги ўртасида 0,4-0,7 см пастга эгилган равон чизик орқали ўтказилади. Олд ва орқа бўлакларга оид ён чизиқларнинг пастки қисмларини устма-уст тушириб этак чизиқларининг туташмалари қайта текширилади.

Ён чўнтак чизиги ва олд бел чизигидаги витачкалар. Ён чўнтак чизигиолд бўлакда ён чўнтакнинг бел чизигига нисбатан жойланиши мода йўналишига ва ишлатиш қулайлигига боғлиқ ҳолда аниқланади. Олд ён чўнтак чизиги горизонтал, вертикал ва қия йўналишларда бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай чўнтак чизигининг ўртаси бел чизигига нисбатан орқа белгача узунлиги $D_{m.c}(T_{40})$ ўлчамнинг тахминан тўртдан бир қисмидан камроқ масофада жойлаштирилади (12.1 - жадвал).

Болалар кийимида қўлларнинг узунлиги катта ёшдаги болаларнига нисбатан калтароқ бўлгани сабабли чўнтак бел чизигига яқинроқ жойлаштирилади. Горизонтал чўнтак чизиги олд енг ўмизига ўтказилган уринма вертикал 5 га нисбатан қурилади. Эркаклар уст кийими бўйича, горизонтал чўнтак қирқимини қуришда вертикал 5 симметрия чизиги сифатида қаралади. Моделга мос ҳолда чўнтак чизиги олд ўрта чизик ёки ён чоклар томонига 1 - 1,5 см га сурилиши мумкин.

12.1 – жадвал

Бел чизигига нисбатан чўнтак чизигининг узунлиги ва жойланиши

Кийимлар хили	Бел чизигидан чўнтаккача масофа, см	Чўнтак чизигининг узунлиги, см
Аёллар пальтоси	0,25 T_{40} - 5	0,075 T_{15} + 8
Аёллар жакети, кўйлаги	0,25 T_{40} - 6	0,075 T_{15} + 7
Эркаклар пальтоси	0,25 T_{40} - 6	0,075 T_{15} + 9
Эркаклар пиджаки	0,25 T_{40} - 7	0,075 T_{15} + 8
Ўғил болалар пальтоси	0,25 T_{40} - 2	-

Аёллар уст кийимининг базавий конструкциясини куриш учун чўнтақ чизигини K нуқтага нисбатан олд ўрта чизикқа яқинроқ жойлаштириш тавсия этилади: чўнтақ узунлигининг 0,25 қисми ён чоклар томонига ва 0,75 қисми эса олд ўтар чизик томонига жойлаштирилади (12.2, б - расм). Горизонтал чўнтақ чизиги $K_{41} K_4$ этак чизигига параллел ўтказилади.

Чўнтақ чизигининг узунлиги панжа тузилишига ва кийимнинг хилига боғлиқ: пальтолар чўнтағи пиджак ва жакетларнигига нисбатан узунроқ олинади. ЦНИИШП тавсиялари бўйича чўнтакларнинг тахминий узунлиги кўкрак айланаси иккинчи T_{15} ва кийим хилига боғлиқ ҳолда аниқланган қийматларда 12.1 - жадвалда келтирилган.

Чўнтакларни йиғиш ва ишлов бериш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида чўнтакларнинг узунлиги размерлар гуруҳи бўйича унификациялашган: кийимларнинг 88-96 размерларига пиджак учун 15 см ва пальто учун - 16 см, шу кетма - кетлиқда 100-108 размерлар гуруҳига - 16 ва 17 см, 112 - 128 размерлар учун - 17 ва 18 см.

Олд бел чизигидаги витачкалар. Ёпишиб ва ним ёпишиб турадиган силуэтли уст кийимларнинг олд бел чизигида битта ёки иккита (олд ва ён) витачкалар лойиҳаланади. Эркаклар уст кийимида ҳар қайси витачканинг кенглиги 1 - 1,5 см дан ошмаслиги керак, аёллар кийимида эса қомат нинг тўлалик гурухига ва бел чизиги бўйича тўқислик қўшимчасига боғлиқ ҳолда 2,5 - 3 см гача бўлиши мумкин.

Витачкалар чўнтақ чизиги билан узвий боғлиқ ҳолда жойлаштирилади. Чўнтақ горизонтал жойланишида ҳар қайси витачканинг учи чўнтақ қирқимининг чизигига тақалади: олд витачканинг учи чўнтақ чизигининг олд учидан 0,5 см дан - 1,5 см гача масофада, ён витачканинг учи эса ўмизга вертикал уринмадан 0 дан (аёллар кўйлаги ва пальтоси) 2,5 - 4 см гача (пиджак, эркаклар пальтоси) масофада жойлаштирилади. Олд витачка сидирға газламаларда кўкрак маркази томонига йўналган, йўл - йўл ёки катак расмли газламаларда вертикал йўналган олд витачканинг учи модага мос ҳолда кўкрак чизигидан 3-10 см пастроқ жойлаштирилади, ён витачканинг юқори учи эса ўмиз чукурлигидан 4 - 6 см пастроқ ўтказилади (12.1, б - расм). Иккала витачкаларнинг пастки учлари чўнтақ қирқимига тақалиб туради.

Аёлларнинг чўнтаксиз кўйлагида олд витачка кўкрак маркази томонга вертикал йўналишда лойиҳаланади.

Витачкалар томони олд ва орқа бўлакларнинг ён чизиқлари каби равон ўтказилади.

Назорат учун саволлар.

1. Ён чизиқлар қандай чизилади?
2. Бел ва этак чизиқлари қандай чизилади?
3. Ён чўнтақ чизиги ва олд бел чизигидаги витачкалар қандай чизилади?
4. Олд бел чизигидаги витачкалар қандай чизилади?

Таянч иборалар: Олд ўтар чизик, орқа ўрта чизиги, ён чизиқлар, бел чизик, этак чизик, ён чўнтақ чизиги, олд бел чизигидаги витачкалар

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Коблякова Е.Б. «Основы проектирования рациональных размеров и формы одежды». М., 1980 г.
2. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари (XIX - XX асрлар). Тошкент. «Шарқ», 2003.
3. Коблякова Е.Б. Конструирование одежды с элементами САПР. М., 1988 г.
4. Linda Welters. Folk dress in Europe and Anatolia. England, 1999 у.
5. Ruth Barnes. Dress and gender. England, 1993 у.
6. Камилова Х.Х., Коблякова Е.Б., Савостицкий А.В., Никольский А.Е. Системное проектирование изделий швейной промышленности № 1 и 2. Известия Академии наук Узбекистана №6, 1976 и №6, 1977.
7. Kamilova H.H. Systemic projecting of the clothes in the conditions of hightemperatures. VIth International Izmir textile symposium. Izmir, 1992 г.
8. Дунаевская Т.Н., Коблякова Е.Б., Ивлева Г.С. Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии человека. М., 1980 г.
9. Дунаевская Т.Н., Коблякова Е.Б., Ивлева Г.С. Размерная типология населения с основами анатомии и морфологии человека. М., 2001 г.
10. Севостьянов А.Г. Методы и средства исследования механико-технологических процессов текстильной промышленности. М., 1980 г.
11. Пармон Ф.М. Композиция костюма. М., 2002г.
12. Бердник Т.О. Моделирование и художественное оформление одежды. Феникс, 2005г.
13. Швембергер С В., Щербаков П.П., Горончаровский В.А. Художественное моделирование и специальные эффекты. БХВ-Петербург, 2006г.
14. Тэхтем К., Симен Дж. Дизайн в моде: Моделирование одежды. Рипол Классик, 2006г.
15. Первое национальное сообщение Республики Узбекистан по рамочной конвенции ООН об изменении климата. Ташкент, 1999г.
16. Леухина Г.Н., Ляпина О.А., Веремеева Т.Л. Климат Узбекистана. Ташкент, 1996г.
17. Единая методика конструирования одежды ЕМКО, том 1,2,3,4. М., 1988 г.
18. Янчевская Е.А. Аёллар уст кийимини конструкциялаш. Тошкент, 1998 г.
19. Каченаускайте Л. Делаем лакала: Конструирование; Моделирование; Построение чертежей. М: АСТ/Донецк: Сталкер, 2005 г.
20. Сакулина О.В. Конструирование мужской и женской одежды. Академия, 2007 г.
21. Куренова С.В., Савельева Н.Ю. Конструирование одежды. Феникс, 2004 г.
22. Сакулин Б.С., Амирова Э.К., Сакулина О.В. и др. Конструирование мужской и женской одежды. ИЦ Академия, 2007 г.
23. Единая методика конструирования одежды СЭВ (ЕМКО СЭВ). Том 1. ЦНИИТИЭлегпром. Москва, 1985 г.
24. Мартынова А.И., Андреева Е.Г. Конструктивное моделирование одежды. М., 2002 г.
25. Справочник по конструированию одежды. Под редакцией Кокеткина П.П., М., 1982 г.
26. Лебедев А.М. Конструирование горловин и воротников для различных видов одежды Ж. Экспресс-информация. Швейная промышленность. 1983 №23.
27. Тухбатуллина Л.М. Конструирование женской одежды по европейским методикам. РнД: Феникс, 2009 г.
28. Коблякова Е.Б., Ивлева Г.С., Романов В.Е. Конструирование одежды с элементами САПР. КДУ, 2007 г.
29. Конопальцева Н.М., Рогов П.И., Крюкова Н.А. Конструирование и технология изготовления одежды из различных материалов. Академия: Москва, 2007г.
- Цепкина И.А., Николаевская В.А. Моделирование и художественное оформление меховых изделий. М., 1973 г.
30. Булатова Е.Б. , Евсеева М.Н. Конструктивное моделирование одежды. Академия.Москва, 2003.
31. Амирова Э. К., Сакулина О.В., Сакулин Б.С., Труханова А.Т. Конструирование одежды. Мастерство, М., 2002.
32. Сапрыкина Т.Н. Модная одежда: Моделирование и изготовление одежды из

- материалов с различными пошивочными свойствами. АСТ, Астрель, ВКТ, 2008г.
33. Макавеева Н.С. Основы художественного проектирования костюма: Практикум. Москва, 2008г.
34. Крымова О.И. Хамраева Н.К., Хасанбаева Г.К. Разработка рекомендаций по совершенствованию новых форм и конструкций рабочей одежды. Ж., Известия ВУЗов, ТЛП, №6, 1988 г.
35. Кокеткин П.П. Чубарова З.С, Афанасьева Р.Ф. Промышленное проектирование специальной одежды. М., 1982 г.
36. Бескоровайная Г.П. Конструирование одежды для индивидуального потребителя. М: ИЦ Академия, 2004 г.
37. Бескоровайная Г.Н., Куренова СВ. Проектирование детской одежды. М., 2000 г.
38. Лин Жак. Техника кроя. М., 1986 г.
39. Barbara Burman. The Culture of Sewing. England, 1999. Alexandra Warwick & Dani Cavallaro. Fashioning the Frame.England, 1998.
40. Czeslaw Burzynski, Ignacy Duda, Remigiusz Dzieza & Andrzej Suliga. Kusnierztwo.Warszawa, 1981.

ТАБСИЯ ЭТИЛАДИГАН ИНТЕРНЕТ САХИФАЛАРИ:

1. www.ya.ru
2. www.yandex.ru
3. www.rambler.ru
4. www.vse.ru
5. www.list.ru
6. www.vse.uz
7. www.yahoo.ru
8. www.aport.ru
9. www.google.ru, www.google.com
10. www.textilewo'rld.com
11. www.legprominfo.ru
12. www.vzerkale.ru
13. www.lukomorye.newmail.ru
14. www.balzam.pp.ru
15. www.pingwin.ru
16. www.passion.ru
17. www.fair.ru
18. www.assol.mipt.ru
19. www.cad.ru
20. www.siluete.ru
21. www.textileclub.ru
22. www.mgudt.ru
23. www.mothercare.ru
24. www.fg.ru
25. www.osinka.ru
26. www.season.ru
27. www.intermoda.ru
28. www.sarafan.ru
29. www.textile - press.ru
30. www.Ipb.ru

